O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

"...Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, "Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди".

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ✱ www.uzhurriyat.uz ✱ 2020-yil 11-mart, chorshanba ✱ № 11 (1175)

"МЕЪМОР" ҒИШТНИ ҚИЙШИҚ ҚЎЙСА...

... Давлатимиз раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш, уларнинг мустақил иш юритишини таъминлашга қаратилган таъкидли ундовлари чекка ҳудудларга етиб бормаяптимикин? Уларнинг юқори органи туман ҳокимлиги эмас-ку, лекин буйруқни бажаришдан нарига ўтишмаётган ҳолларга қандай изоҳ бериш мумкин?

⇨ 3-бет

ҚУШ УЯСИДА...

Ёшларимизнинг "оммавий маданият" таъсири остида бузилиш ҳалокатида турган маънавий қиёфасида биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Машҳур немис шоири ва донишманди Гёте айтадики: "Миллатни қутқариш учун аслида кўп нарса керак эмас. Ота-она ва ўқитувчи кифоя қилади холос".

⇨ 5-бет

ЮРАКНИНГ ПИНҲОН ХОНАСИ



Ватан — инсон юрагининг яширин хоналаридаги пинҳон туйғудир. Уни ҳамма ҳам топа олмайди. Унгача етиб боролмайди. Ватан нелигини англаганлар эса у ҳақда ҳадеб гапиравермайди, ёзавермайди. Инсон яхши кўрган нарсасини кўнглининг энг чуқур ерида асрайди.

⇨ 8-бет

TOSHKENT CITY ОҚШОМИ

Toshkent city оқшоми ажаб,
Оқ нурларга беланган малак.
Оққуш қанот бинолар жозиб,
Меҳр-ла нур тарайди фалак.

Кўк кўйлакда ястанган ҳовуз,
Шабадада шивирлайди сув.

Кўкда чўгдек ёниққан юлдуз,
Нурга чўмган оқшомлар сулув.

Шодликлардан жўшар фаввора,
Осмон сари сочар марварид.
Кўксин очар гуллар тобора,
Таратганча рангин, гўзал ҳид.

Кумуш тонглар отади сокин,
Toshkent city бамисли ҳур қиз.
Бир жозиб куй таралар бетин,
Кўнгил яйрар кечаю кундуз.

Toshkent city гўёки ҳур қиз.

Турсун АЛИ.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

574 нафари уйни соғиниб яшаяпти...

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси Ўзбекистон аҳлининг кўнглига нур олиб кирди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига киритишнинг энг мақбул йўли — бу аввало илм, маърифат ва инновацияни ривожлантириш эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Мурожаатномада ёшларга катта имкониятлар яратишга алоҳида урғу берилди. Чунки, инсон ёшликда камол топиб, ўз олдига қўйган улуғвор мақсадларга эришиш ҳаракатида бўлади. Унга берилган имконият қалбида Ватанга бўлган меҳрни, садоқатни оширади. Жамиятда манфаат кўрган ёшлар атрофга теран нигоҳ билан қарайди, уларда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси уйғонади.

2

ЯНГИЛИКЛАР ✱ ХАБАРЛАР ✱ ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси «Ўзбекистон — Нидерландия» агробизнес форуми, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида B2B форматидаги учрашувлар ташкил этди.

«Hilton Tashkent City» меҳмонхонасида бўлиб ўтаётган тадбирларда Нидерландия Қироллиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакиллари, шунингдек чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган 40 дан ортиқ компаниянинг бизнес вакилларидан иборат делегация иштирок этмоқда.

Транспорт вазирлигида Малайзиянинг "Midlands Aviation Pacific Asia" компанияси ижрочи директори Раж Дарйраж бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

"Midlands Aviation Pacific Asia" компанияси ижрочи директори Раж Дарйраж Урганч шаҳрида "Phils" компанияси билан ҳамкорликда учувчилар тайёрлаш маркази ҳамда хориждан юк ташишга ихтисослашган замонавий логистика хабини очиш истагида эканлигини билдирди.

Парламент қуйи палатасида "Ҳукумат соати" ташкил этилди. Унда Давергеодезкадастр қўмитаси раиси тизимда кутилаётган янгиликлар ҳақида ҳам маълумот берди.

Хусусан, 2020 йил 1 мартдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида пластик карта шаклда тайёрланадиган кўчмас мулк объекти кадастри паспортининг янги намунасини бериш йўлга қўйилди. Унинг қулайлиги шундаки кўчмас мулк объекти бўйича барча маълумотлар ичида сақланади.

Бухоро вилояти Олот туманидаги "IMRON NIKA" масъулияти чекланган жамиятида пахта толаси ва полиэстер аралашмасидан ип-калава ишлаб чиқарилади.

Жорий йил бошида фаолият бошлаган корхона бир ойда 71 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда иш тўрт сменада ташкил этилган бўлиб, 135 кишининг бандлиги таъминланган.

ШУНДАЙ ДЕДИ

Абдулла АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири

"Аҳоли ўртасида, ижтимоий тармоқларда тил билан боғлиқ мавзу энг кўп муҳокама қилинмоқда. Жамоат жойлари, кўчалар, бинолар пештоқида, турли лавҳа ва рекламаларнинг кўпинча бошқа тилларда ёки мантиқсиз, тушунарсиз мазмунда ва шаклда акс эттирилиши бунга сабаб бўлмоқда. Бу жойлардаги масъулларнинг ишлари қониқарсизлигидан далолат беради.

АҲВОЛ

"...Миллатнинг руҳини йўқотмак"

Газетамизнинг 2020 йил 26 февраль сонида таниқли олим Зуҳриддин Исомиддиновнинг "Тиллога тенг тилимизнинг тақдири" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда тилимиз равнақига тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларни бартараф этишдаги қийинчиликлар, ўзбек тилининг тўлақонли равишда давлат тилига айланиши учун шарт бўлган омиллар юзасидан атрофлича мулоҳаза юритилган эди. Айтиш жоизки, мақола муштарийларимиз томонидан эътиборли, ўринли ва жасоратли чиқишлардан бири сифатида эътироф этилди, ҳатто ижтимоий тармоқларда ҳам ушбу мақола қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Қуйида мухбиримизнинг яна шу мавзуга оид мақоласи эълон қилинмоқда.

Кейинги пайтда турли тадбирлар, ОАВ, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ўзбек тилига билдирилаётган муносабат муҳокама марказида бўлмоқда. Она тилимизга эътибор пасайиб кетгани, гўё она тили фақат саноқли зиёлиларгагина керакдек тасаввур уйғонди, назаримизда.

Биз Конституция, Қонун, Фармон, Қарор ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган она тилимизга шунчалик безэтибор бўлсак, тилимизни беҳурмат қилаверсак, асрлар оша муомалада бўлган ўзбек тилини ўлик тиллар қаторига киритиб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

2

ШУКУҲ

Мафтункор баҳор

Ўзининг сеҳри, жозибаси билан бутун дунёга бўй таратаётган халқимизнинг қадимий ва миллий байрами — Наврўзни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам халқаро байрам сифатида эътироф этган.

Куни кеча Президентимиз томонидан қабул қилинган "2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида ҳам қадимий байрамимиз руҳи ва фалсафасида янгиланиш ва яшариш, яхшилик ва бағрикенглик бор экани, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг маъно-мазмунига ҳамоҳанглиги алоҳида таъкидланади.

Табиатнинг эврилиши, яшариши барибир ўзгача, завқли. Ям-яшил далаларга қараб кўнгил яйрайди: кўклам қуёшнинг тобора шимолга оғишидан бошланадими, ё майсалар орасидан туртиниб осмонга юз очган чучмома гули ҳидиданми?

Эҳтимол, бу соғинтирувчи фаслнинг дебочаси узоқ тоғ чўққиларидаги муздан узилган илк томчидан ё бойчечакнинг мўъжизакор рангларидан бошланар? Балки, шошқалоқ бодом гуллари бошлаб келар баҳорни...

Хуш келдинг, Кўклам!

Баҳор, Сен ризқ-рўз, тўкин дастурхон ёзгувчисан, Сенда само карнайчиси — момоқалдироқ гулдуросида алп йигит шижоати, Барчин қиз кўрки, таровати мужассам.

Нега катта-ю кичик баҳорни энг яқин кишисини соғингандек соғинади? Нега суюкли ёрдай мафтункорсан, Наврўзи олам!

Сен келганда ҳар юракда янги орзу-умидлар куртак отади, сенинг ташрифинг дунёни уйғотади, борлиқни тебратади!

Ассалом, Баҳор!

Сенинг ташрифингга замин поёндоз тўшади. Ифорингга дастурхон ёзди. Ажиб нозбўй ҳидидан диллар роҳатланди, ўрик гулининг ол-қирмиз рангидан кўнгиллар завқ туйди.

Сенинг бу галги ташрифинг юртимиз — Янги Ўзбекистон учун янада юксалиш, яшнаш, яшариш баҳори ҳамдир.

Хуш келдинг, Баҳор!..

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ.

574 нафари уйни соғиниб яшаяпти...

Президентимиз Мурожаатномада "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш, уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарурлигини баён этди. Чунки, улар ўз ҳаётларида давлат ва жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигини юракдан ҳис қилиши лозим. Шундагина ўзларини жамиятга керакли инсон эканлигини англайдилар. Президентимиз: **"Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг "кичик ватани"га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади"**, дедилар.

Бу борада кейинги йилларда улкан ишлар амалга оширилди. Аммо айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Маълумотларга кўра, 2011-2019 йилларда Меҳрибонлик уйларининг жами 2307 нафар битирувчисидан 1024 нафари турар-жойга муҳтож деб топилган, бироқ 2020 йил январь ҳолатига кўра, уларнинг 450 нафари уй билан таъминланган холос, 574 нафари ҳалигача ўзига берилиши керак бўлган уйларни соғиниб яшамоқда.

Ҳукумат қарори билан етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш тартиби белгилаб берилган бўлса-да, жойларда бу борадаги аҳвол қониқарли эмас.

Яна шу нарса маълумки, айрим ота-оналар фарзандларини меҳрибонлик уйларига бериш ёки бола боқиб олиш орқали уй-жой муаммосини ҳал этишга уринмоқда. Шунданми, биргина Тошкентда 3 мингга яқин киши бола асраб олиш учун навбатда турибди. Нега? Бугунги кунда бола савдоси ижтимоий ҳаётдаги энг оғриқли масалалардан бирига айланди, бундан ташқари, етим болани тарбиялагани учун ижтимоий уй-жой олиш илинжида юрганларни ким деб тушуниш мумкин? Шунингдек, ўзига боқувчи топган етим болаларнинг кейинги тақдири қандай кечмоқда? Буни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш вақти келди.

Ҳамма шароити етарли бўлатуриб, фарзандини Меҳрибонлик уйларига бериб юбораётганлар сони — ёмғирдан кейин чиққан қўзиқоринидек кўпайиб кетгани-чи. Ахир халқимиз Меҳрибонлик уйини етимхона, деб атаган. Ота ва онаси тирик бўла туриб, боласини Меҳрибонлик уйларига топшираётганлар одамийлик шаклидан чиқиб кетган, меҳрсиз кимсалардир.

Меҳрибонлик уйларига кам таъминланган оила фарзандлари аслида бир йилга жойлаштирилади, лекин улар йиллар давомида қолиб кетяпти. Энг ёмони, боқувчиси бўлатуриб, болаларнинг Меҳрибонлик уйида яшаб юриши ор-номусли ўзбек миллатининг қадриятларига, меҳр-оқибат ва аҳиллик фазилатларига мутлақо тўғри келмайди.

Яна бир жиҳати, соҳага оид қонун ҳужжатларининг аксарияти анча йиллар аввал қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли қонун ҳужжатларини қайтадан инвентаризациядан ўтказишни, жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарур. Шунингдек, улар уй-жой учун маблағларни қаердан олиши мумкинлиги, яъни молиявий манбалар ҳам аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилмоғи лозим бўлади. Бу давр талабидир.

Урал ЎРАЗБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

"...Миллатнинг руҳини йўқотмак"

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорида шундай дейилган эди: "Дунёда қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир". Лекин очиқ айтиш жоизки, тилимизг оид тегишли қарорнинг ижросини таъминловчи нуфузли идора ва ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари томонидан амалий ишларда илгари силжиш кўринмаяпти.


РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

Ҳукумат қарори лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш Департаменти ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Атамалар комиссияси ташкил этилмоқда. Комиссиянинг аъзолари ҳам тасдиқланди, уларга бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идораларга атамашунослик бўйича маслаҳат бериш ҳам шулар сирасига киради. Аммо... "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдур", деган эди маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мутаасддилари ҳам ўзбек тилининг мавқеи ва шуҳратини тиклашга жазм қилишган эди, лекин уларнинг бу ҳаракатлари ҳам сусайиб, негадир қўланкадек ғойиб бўлди.

Айниқса, кўчалардаги тижорат лавҳаларида Давлат тилини бузиб ёзиш ҳолатларини хоҳлаган жойда учратиш мумкин. Бу "анъана" энди вилоят марказларидан туман ва маҳаллаларгача зарарли зарпечакдек илдиз отмоқда. Бундай ҳолни ўзимиздан ахтариб, ватанпарварлик туйғусининг сустлиги билан изоҳлаш мумкин. Қачонгача тилимизнинг муаммолари билан давлат ёки бирор-бир ташкилот шуғулланиши керак. Юртимизда кўча эълонлари, тижорат лавҳалари, ташкилот номлари ёзувларини тартибга солиш мақсадида ташкил этилган "Тасвирий ойина" уюшмасининг фаолияти ўта суст. Уларнинг фаолияти, нима иш билан бандлиги жамоатчилик учун маълум бўлиши керак эмасми?

Узоққа бормайлик, Чирчиқ шаҳрида бир кун бўлган одам ўзини чет элда юргандек ҳис қилади. Собиқ иттифоқ даврида бунёд бўлган шаҳар ҳалигача деярли ўша қиёфада. Кираверишда Чирчиқ ўрнига "ЧИРЧИК" деган "ажнабий" ёзув сизни қарши олади. Ахир, азалдан пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг бир қатор туманларини зилол тоғ суви билан таъминлаб турган Чирчиқ дарёсига атаб қўйилган катта шаҳарда Давлат тилига муносабат ўттиз йилдирки ҳамон ўзгармаса-я! Чирчиқ шаҳар ДСИ бошлиғининг ўринбосари томонидан аҳолига юборилган расмий огоҳлантириш хатини кўриб, яна ҳайратингиз ошади.

Давлат тилига обрўли идораларда масъуллар шундай муносабатда бўлаверса, оддий фуқародан нимани ҳам кутиш мумкин. Ишониш қийин, аммо ҳақиқат. Чирчиқ шаҳар ДСИ бошлиғи ўринбосари имзоси билан юборилган хатда 150 дан зиёд сўз бўлиб, 36 та хатоси бор экан. Бундан кўринадики, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи тизимлари тил масаласида ҳали ҳам ислоҳотларга муҳтож.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва бошқа бир-иккита юқори идораларга давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчи тайинланди. Балки Давлат солиқ қўмитаси ва яна қатор бошқа ташкилотлар мутаасддилари ҳам ушбу масалада бош қотиришларига вақт келгандир?

Улуғ бобомиз Алишер Навоий айтганидек: "Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз". Зеро, она тилимизни ўзимиз қадрламас эканмиз, четдан келиб бизга ҳеч ким юксак мавқеини тиклаб бермайди.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

СУҲБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан қўшни мамлакатлар ўртасидаги дўстлик алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқи ўртасидаги алоқалар, биродарлик муҳити дўстона руҳда давом этмоқда.

Бу жараёнда адабий алоқалар мустаҳкамланаётгани, айниқса, эътиборлидир. Яқинда Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрига хизмат сафари билан борганимизда ана шу дўстона муҳит, адабий дўстлик алоқалари ҳақида Қозоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Дўстлик" этномаданият ўзбек ҳамжамияти марказлари қошидаги "Ижодкор" адабий бирлашмаси раҳбари Абдираҳим Пратов билан суҳбатлашдик.

Таржимонсиз тушуниладиган икки халқ

– Абдираҳим ака, дастлаб ўзбек-қозоқ адабий дўстлигининг тарихий илдизлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

– Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларигача барча туркий халқлар, хусусан, ўзбек ва қозоқлар ҳам бир-бирини ўқишганда таржимонларга эҳтиёж сезишмаган. Чунки араб имлосидан фойдаланганмиз. Табиийки адабий алоқаларимиз ўз-ўзидан давом этаверган. Имломиз қисқа вақт ичида икки марта, аввал лотин имлосига, кўп ўтмай кириллчага кўчирилди. Ёзувчи Носир Фозиловнинг таъбирича ушбу "ислоҳотлар"дан кейин туркий халқлар маънавий узоқлашиб, бир-бирининг адабиётини ўқиёлмай қолди. Бу эса бардавом бўлиб келаётган адабий аралашувимизни издан чиқарди. Натижада таржимонларга эҳтиёж юзага келди.

Мухтор Авезов 1923-1928 йилларда Санкт-Петербург университетида тил ва адабиёт факультетини битириб, Тошкентдаги Ўрта Осиё университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг шарқ халқлари фольклори йўналишида таҳсил олади. Бир-неча йил Тошкентда яшаган кезида, дунё халқлари адабиётида ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирий билан яқиндан танишади ва ижодий ҳамкорлик ўрнатади. Кейинчалик у қозоқ халқининг мутафаккир оқини Абай Қўнонбоев ҳақида тўрт томдан иборат эпопея яратади. Абдулла Қодирий ҳақида ҳам мақолалар ёзган экан.

Айнан ўша пайтларда икки қардош, қондош халқлар буюк намоёндаларининг адабий муносабатлардан қозоқ-ўзбек адабий ва абадий алоқаларининг тарихий илдизлари бошланган бўлса ажаб эмас.

Ойбек, Миртемир, Абилда Тажибаев, Ғабиден Мустафин, Ғабит Мусирепов, Одил Ёқубов, Қоловбек Турсунқулов ва бошқа адабиёт вакиллари ўзаро дўст бўлишган, оилавий борди-келди қилишган. Айниқса, Ғафур Ғулом ва Собит Муқон ўртасидаги самимий инсоний муносабатлар ҳақиқий дўстлик рамзига айланиб, тилларда достон бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда Носир Фозиловнинг хотиралари асосида Музаффар Аҳмад "Икки дўст достони" номли асар ҳам яратган. Уларнинг дўстлиги бизлар учун ибрат мактабидир.

Ўша пайтдаги алоқаларимиз мустаҳкам пойдеворга эга эди. Шу даражага етган эдики, иккала мамлакатда чоп этилган яхши китоблар кўп ўтмаёқ таржима этилиб, нашр қилинарди. Икки қўш адабиёт бир-биридан куч олиб, илҳомланиб дунё даражасидаги, забардаст ижодкорларни ярата олди.

Бугун Қозоғистон ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти қошидаги "Ижодкор" адабий бирлашмаси ҳам ўз ижодий фаолиятида таржима масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқинда бир гуруҳ чимкентлик ўзбек ижодкорлари, таниқли қозоқ шоири Улуғбек Эсдаулетнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилди ва бу "Қарағай" номи остида Тошкентда чоп этилди.

– Ҳар қандай ижод маҳсулининг онаси халқ оғзаки ижоди, халқнинг ўзидир. Яқинда Қозоғистон – Ўзбекистон фольклорининг туб негизлари ҳақида "Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан" китоби чоп этилди. Ва сиз бевосита ушбу китобга масъул бўлдингиз. Китобнинг дунёга келишига қандай эҳтиёж сабаб бўлди?

– Дарҳақиқат ҳар қандай ижод маҳсулининг онаси халқ оғзаки ижодидир. Ҳар бир халқнинг халқ бўлиб шаклланишида, яъни ибтидосида ушбу жараённинг рўй бериши табиийдир. Халқ оғзаки ижоди маънавий бойлигимиз ва ўзлигимиздир. Урф-одат, бой анъаналаримиз, ҳар бир даврга мос бўлган, асрлар бўйи шаклланиб келган қадриятларимизнинг ифодасидир. Қозоғистондаги ўзбеклар азалдан қозоқ халқи билан аралашиб, қуда-анда бўлиб, тотувликда яшаб келишади.

– Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистонда адабиётга бўлган эътибор ва эҳтиром юксак даражага кўтарилди. Бу қизғин жараён Чимкент адабий муҳитида қандай янгиланишлар, ўзгаришларга сабаб бўлмоқда?

– Қозоғистондаги ўзбек адабий муҳити сўнгги йилларда ривожланиш палласида, десак муболаға бўлмайди. Ҳозирда Чимкент вилоятида "Сайрам", "Чашма", "Туркистон", "Чимкент", "Исфижоб", "Кўк қиё илҳомлари", "Қорамурт" ижодий уюшмалари фаолият юритаяпти. Уларнинг ижодий салоҳияти турли даражада бўлса-да, жойлардаги ижод аҳли бирлашиб асарларини китоб ҳолида ва вақтли матбуотда баҳолиқудрат ёритиб бормоқда.

Шоир, ёзувчилар изланишларини қўллаб-қувватлаш, асарларнинг бадиийлиги, услубий тиниқлиги, мазмун-моҳияти, самарадорлигини, бир сўз билан айтганда ижодий етуклигини ошириш, уюшмалар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида 2012 йилда Қозоғистон ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти ҳузурида "Ижодкор" адабий бирлашмасини ташкил этдик. Уюшмалардан иқтидорли ижодкорлар жалб қилинди. Шу тариқа яхши асарлар яратишни ният қилганмиз. Аллоҳга шукр, янгиланиш туфайли кутилган ижобий натижаларга эриша бошладик.

2012 йилда Мухтор Авезов номидаги Адабиёт ва санъат институтида нашрга тайёрланиб, қозоқ ва рус тилларида чоп этилган "Современная литература народа Казахстана" жамоавий монография тўпламига қирқдан ортиқ қозоғистонлик ўзбек ижодкорларининг асарлари, ўзлари ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланиб, 2016 йилда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тайёрланган, қозоқ ва рус тилларида чоп этилган "Мангулик Элим менинг – Вечная Страна моя" шеърият антологиясидан ҳам олти нафар ўзбек шоирининг асарлари ўрин олгани қувонарли ҳол, албатта.

Ўша китоблар орқали Қозоғистонда шаклланган ўзбек адабиёти нафақат ўзимизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам танилиб, эътироф этилди. Бу, албатта, биз учун катта рағбат ва муваффақиятдир. 2018 йилда Қозоғистон Парламент Мажлиси депутати Фахриддин Қоратаев кўмагида мактаб ўқувчиларига аталган "Болаларга туҳфа" номли хрестоматия китоби болажонларимизни хушнуд этди.

Соатой Камолова таниқли қозоқ шоираси Хонбиби Эсонқораеванинг "Жибек", Умриой Каримова Баян Тиленшинанинг "Қиёмат қоим", Долимжон Сайфуллаев қозоқ классик ёзувчиси Марҳабат Бойғутнинг "Мосуво Журноқ" асарларини муваффақиятли таржима қилди. Таржима асарларимиз икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларимиз ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўша олди, деб ўйлайман.

– 2019 йилда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги нафақат сиёсий иқтисодий, ижтимоий, маданий, балки адабиёт ўйналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Адабиёт икки қардош халқ ўртасидаги муҳим маънавий кўприк вазифасини ҳам ўтади. Ўтган йилда кўнглингиз тўлган ишлар ҳақида ҳам гапириб ўтинг.

– Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатилиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, ўтган йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан кўплаб тармоқ, соҳалар бўйича алоқалар қарор топиб меморандумлар имзоланди. Иқтисодий алоқалар иқтисодларимизни, туризм бўйича ҳамкорлигимиз туризм соҳасини, маданий алоқаларимиз маданиятларимиз ривожига ҳисса қўшаётган бўлса, адабий алоқаларимиз эса сиз айтмоқчи маънавиятимиз, руҳиятимизни уйғунлаштириб юракларимизни туташтириб, меҳр-оқибатли бўлишимизга мустаҳкам замин яратди.

Озода БЕКМУРОДОВА суҳбатлашди.

ТАЛҚИН

Дахлдорлик туйғуси

Ўтган ҳафта қишлоққа бордим. Маҳалла гузарида ёши улуғ бир ҳамқишлоғимиз саволга тутди. “Рақамли иқтисодиёт нима дегани, бизга содда қилиб тушунтиринг”. “Майли, ёшларни ҳам чорланг, бирга гурунг қиламиз”, дедим. Сўнг улар сўрашгандай содда изоҳ бера бошладим.

— Эсингиздами, 35-40 йиллар илгари собиқ иттифоқ ҳудудида ишлаб чиқарилган “Рекорд”, “Горизонт”, “Фотон” каби русумли телевизорлар бўларди. Экрандаги тасвир хиралашиб, тўлқинли чизиқ ҳосил бўларди. Шунда телевизорнинг тепа қисмига гурсиллатиб урардик. Шу зарбадан сўнг эгри-бугри чизгилар тўғриланар, агар канал алмаштиргич синиб қолса, бу мурватни омбир билан айлантирардик. Энди ҳозирги пайтда юртимиздаги “Артель” русумли телевизорни кўз олдингизга келтиринг. Уни ўтирган жойимиздан пульт тугмаларини босиш орқали бошқарамиз. Янги замон телевизорларига рақамли технология татбиқ қилинган. Эски телевизор чиқарилган пайтда рақамли технология умуман бўлмаган. Демак, рақамли иқтисодиёт тараққиёт, ривожланиш ҳосиласи экан.

Илм, маърифат ўсиши ҳисобига рақамли иқтисодиёт намоён бўлмоқда.

Тингловчилар содда мисолдан таъсирланиб, савол беришди. “Айтинг-чи, рақамли технологияга инсон омили аралашмайди, дегани нима?” Тушунтириш учун яна мисолга мурожаат қилдик. “Бундан тўрт-беш йил муқаддам пластик карточкангиздаги нақд пулни қандай ечиб олардингиз?”. “Эҳ-ҳе, эсимиздан ҳам чиқаёзибди, айрим чаққонлар орқали 15-20 фоиз ҳисобига нақдлаштирардик. Энди Президентимизга минг раҳмат, нақд пул муаммоси умуман йўқ”. Жуда яхши, исталган инфокиоскда миллионлаб сўм пулни тегишли рақамларни босиш орқали 1 фоизлик хизмат ҳақи эвазига нақд пул қилиб оляпмиз. 15-20 фоиз қаердаю 1 фоиз қаерда? Кўряпсизми, бу ишга инсон омили аралашмаяпти. Яна рақамли технология жонимизга оро кираяпти. Ким билсин, шу техника бажарадиган иш бирор одамга топширилса, “Нақд пул камайди, агар фоизни оширсангиз, ҳожатингизни чиқариб берамиз” дейишармиди?!

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, кўпчилик кутганига яраша, янгиликларга бой бўлди. Мана шундай янгиликлардан бири: “Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан”. Шу гап янграганда бутун зал оёққа туриб олқишлади. Ўйловдимки, Мурожаатнома эълон қилинганидан кейин Жамоатчилик палатаси масаласида жуда кўплаб таклифлар тушса керак деб. Ўзбекистонда 10 мингдан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолият юритаётган бўлса, нахотки уларда фикр уйғонмаган бўлса?! Ўша соҳа вакили бўлган бир танишимдан секин сўрадим: “Нега Жамоатчилик палатаси ҳақида ҳеч ким фикр билдирмаяпти?”. Жавоб шундай бўлди: “Аввал давлатимиз раҳбари имзоси билан ҳужжат эълон қилишини кутяпмиз”. Ана, холос! Биз учун ҳамма нарсани Президент қилиб бериши керакми?! Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси қани?

Кейинчалик ўтказилган анжуманда Президентимиз Жамоатчилик палатасини ташкил этганда миллий менталитетимизга хос азалий қадриятлар ҳисобга олинишини таъкидлади. Яъни, донишманд ва оқил халқимизнинг маслаҳат ва кенгаш асосида ишлаши наф келтирсин. Яна бир муҳим қирра эса жаҳон мамлакатларининг ижобий тажрибасини ҳисобга олишдир. Жамоатчилик палатасига кимлар аъзо бўлиши керак? Ҳаётнинг паст-баланди, иссиқ-совуғини кўрган халқимиз яхши яшаши учун нималар қилиниши керак, деган саволга жавоб берадиган юртдошларимиз ўз билим ва тажрибаларини баҳам кўриши назарда тутилади. Ушбу палата аъзолари, аввало, ватанпарвар, юртсевар, ғурурли, фаол бўлишлари лозим. Илм-фанда юксак чўққиларни эгаллаган, спорт ареналарида Ўзбекистон номини дунёга таратган миллат фидойилари, эл-юрт ичра катта обрўга сазовор шахслар ушбу палата сафида бўлишлари айни муддаодир. Битта мисол келтирайлик. “Муносабат” ток-шоусида энг долзарб масалалар муҳокама қилинади. Шу кўрсатув бошловчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қуддус Аъзамов Жамоатчилик палатасига аъзо бўлса, жуда кўп ибратли фикрларни бериши мумкин. Бу бир мулоҳаза, фикр албатта.

Президент сиёсати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ҳукумат амалга ошираётган иш тутуми халқ томонидан қандай қабул қилиняпти, яна қандай янгича вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мумкинлиги Жамоатчилик палатаси фаолиятида намоён бўлмоғи лозим. Президент Мурожаатномасида айтилганидек, “Жамоатчилик маъқул деса — маъқул, номаъқул деса — номаъқул бўлади”.

Халқимиз табиатида ажойиб удум бор: кимдир муҳим ишга қўл урмоқчи бўлса, ёши улуғ табаррук инсонлар маслаҳати ва фотиҳасини олади. Шунда ҳамманинг кўнгли тўқ, нияти аниқ, қадами дадил бўлади. Фақат Ватан тараққиёти, эл-юрт ободлиги, халқ фаровонлигини ўйлайдиган Жамоатчилик палатасида эзгу ишларга ёруғ йўлланма бериши кўнгилларга мадад бўлади. Ана шу дуони олиш “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланишга тенг. Кўнгилда эзгулик аҳди, метин эътиқод жўш урса, Яратган ҳам қўллаб-қувватлайди.

Президентимизнинг “Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак” деган қанотли ибораси юқорида баён этилган фикрларимизни тасдиқлайди. Жамоатчилик палатаси давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — Халқ ақл-заковатидан озиқ олади. Асрий тажрибалар ҳаётимизни янада яхшилашга хизмат қилади. Шундай ёндашув ҳар бир фуқаронинг эртанги кунга ишончини, дилдаги ғурур туйғусини оширади. Халқнинг қудратли кучи Ватан тараққиётини юксалтиришга сабаб бўлади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ТАДБИР

Кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказган матбуот анжумани Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси (COVID-19)нинг профилактикаси ва унинг кириб келишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов дунёда коронавируснинг эпидемик ҳолати ва COVID-19нинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида маълумот берди.

Ушбу ҳолат юзасидан мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 29 январь куни “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилиниб, тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

— Жумладан, давлат чегараларидаги мавжуд 53 та санитария-карантин пунктларига қўшимча врачлар, тепловизор ва контактсиз термометрлар, шахсий ҳимоя воситалари ажратилиб, уларнинг ишлаш самарадорлиги кучайтирилди. Ушбу пунктлардан ўтаётган ҳар бир фуқаронинг яшаш жойи бўйича маълумотлар олиниб, улар яшаётган бирламчи тиббий муассасалари томонидан 14 кунлик тиббий кузатув йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 15 январидан ҳозирги кунга қадар республика бўйича тиббий кузатувга олинган фуқаролардан 5 минг нафарга яқини кузатувдан чиқарилган, 1 542 нафар фуқароларда тиббий кузатув давом эттирилмоқда. Коронавирус қайд этилган Хитой ва бошқа давлатлардан келган фуқаролардан эпидемик ва клиник кўрсатмага асосан 1760 нафаридан лаборатория таҳлили учун олинган биологик намуналарда коронавирус аниқланмади, — деди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов.

Феруза РАҲИМОВА,
“Hurriyat” мухбири.

БИР ХАТ ИЗИДАН

“Меъмор” ғиштни қийшиқ қўйса...

ёки ёлғиз аёлнинг ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?..

Президентимиз аёлларни жамиятнинг илғор вакилалари сифатида эътироф этаётганда Хоразм вилоятида бу масалага жиддий эътибор қаратилмаётгани ажабланарли, албатта...

Таҳририятмизга Малика Ўразбаева шикоят ариза билан мурожаат қилди. У: “Турмуш ўртоғим саратон касалидан вафот этган. Уч йилдирки қизим билан ёлғиз яшайман, уч йилдирки бошим ғавғодан чиқмайди. Отамдан мерос қолган уйда давлат-хусусий шерикчилик асосида болалар боғчаси очгандим. Ён қўшним уйнинг ён тарафига тақаб омборхона қурди. Болалар ўйнайдиган хонага қуёш нури тушмай қолди. Арз қилмаган жойим қолмади. Ҳатто, Гурлан тумани ҳокимлиги ҳам ёлғиз аёл деб яккалатди”, — дейди у.

Маълум бўлишича, у ўзига тегишли Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги Низомий кўчаси, 3-уйда давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасаси ташкил этган. Республика мактабгача таълим вазирлиги билан ўзаро битим ҳам имзолаган. Аммо ён қўшниси Тўлибой Қурбанбаев уйнинг чекка хонасига тақаб, қурилиш меъёрларига амал қилмаган тарзда, омборхона қуриб олгани рост. Ҳозирда уйнинг қўшни тарафдаги хонасига қуёш нури тушмайди. Бунинг устига, омборхонада сақланадиган ем-хашак туфайли турли юқумли касаллик тарқатувчи майда кемирувчи жониворлар кўпайиши муассасада тарбияланаётган болаларга салбий таъсир кўрсатиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...

Хоразм вилояти, Гурлан туманида бўлганимизда, аризага илова қилинган ҳужжатлар билан атрофлича танишдик. Бу ён қўшниларнинг “аҳиллиги” шу қадар юксак даражада эканки, Т.Қурбанбаев болалар тарбияланаётган боғча хонасига тақаб қурган омборхонаси ичидан ҳожатхона ҳам “бунёд” этибди. Ҳокимликдан вакиллар келиб, ҳожатхонани ёптирибдию, аммо омборхонани бузишга кучи етмабди...

Гурлан тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Улуғбек Давлатов келишимиз сабабини билгач, туман капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик ишлари билан шуғулланадиган ҳоким ўринбосари Улуғбек Раҳимбоевга учрашимизни айтди.

“Қарор 2017 йилда чиқарилган эди. Аммо икки қўшнининг ўртасидаги можаро узоқ йиллардан буён давом этиб келади. Уларни келиштиришга уринишларимиз зое кетди. Боя айтганимдек, бу қарор туманнинг аввалги ҳокими ишлаган пайти чиқарилган. Ҳозирги ҳокимимиз масалани тушунди. Аммо муаммонинг яна бир нозик томони бор-да, икки томон якка-якка тартибда судга мурожаат қилишган. Қизиғи, адолатпарвар суд ҳар икки томоннинг ҳам даъвосини қаноатлантирган?! Суднинг якуний қарори ҳали чиқарилмади”, дейди У.Раҳимбоев.

Масалани бошдан чигаллаштирган ташкилотни аниқладик ва Гурлан тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари Бунёд Балтаевдан: “Туман ҳокимининг қарор чиқаришига асос қилиб, кадастр ҳужжатларини, чизмаси билан киритибсиз, ўзингиз тайёрлаган барча ҳужжатларни тўғри деб баҳолайсизми?” — деб сўраганимизда, у: “Тан оламан, амалдаги қонунчиликда ер-жой масаласида низолар пайдо бўлганида, мавжуд ер чизмасига ўзгартиш киритиш учун ён-атрофидаги қўшнилардан камида учтаси розилик билдириши шарт эди. Т.Қурбанбаевнинг қўшнилари рози бўлишмади. Ҳатто, Тўлибой акани нинг туғишган акаси Маматсолий Қурбанбаев ҳам янги қурилишдан норози эканлигини билдириб, хат билан мурожаат қилган. Хато қилдик, аммо раҳбарият “тезлат”, деб турса, нима ҳам қила олардик...”, дея жавоб берди.

Шундан сўнг, воқеани жойида ўрганиш учун давлат-хусусий шерикчилик муассасаси жойлашган уйга бордик. Ҳақиқатан ҳам уйнинг чекка деворига тақаб қурилган омборхона деворининг баландлигидан чекка хонага ўрнатилган деразалар тўсилиб қолган, ёруғлик ҳаминқадар тушаркан. Шунда бизга М.Ўразбаева Гурлан тумани Санитария эпидемиология осойишталик маркази бош врачи Ш.Юлдошевнинг 2019 йил 27 апрелдаги №4/591-рақамли расмий хатини кўрсатди, унда: “Хонада ўтказилган ўлчовларнинг СЭОМ санитария гигиена лабораториясининг 23.04.2019 йилдаги №26-сонли баённомасига кўра, ёритилганлик кўрсаткичлари 0,3 эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткич меъёрида 0,5 бўлиши керак. Кўриниб турибдики, хонада табиий ёритилганлик меъёридан паст”, дейилган. Бизга давлат-хусусий шерикчилик муассасасининг тўлиқ фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммо қонун доирасида ҳал этилиши кечиктириб бўлмас масала эканлиги аён бўлди...

М.Ўразбаева уйи билан қўшниси Т.Қурбанбаев томорқаси туташган жойда азалдан боши берк кўча бўлиб, бу йўлақдан улардан ташқари, ён-атрофдаги қўшнилар ҳам фойдаланиб келишган. Энг асосийси, боши берк кўча адоғида яна ҳовли-жойлар бўлиб, бу йўл ёнғин-хавфсизлиги йўлаги ҳам ҳисобланар экан.

2017 йил 28 июлда Хоразм вилояти, Янгибозор туман давлат архивининг №03-01/138-сонли маълумотномасига кўра, 1984 йил 25 ноябрдаги тузилган №96/11-сонли баённомада Т.Қурбанбаевга тегишли томорқа майдонининг ўлчами 12х35, жами 420 кв.метр эканлиги қайд этилган. Бу томорқа ер майдонининг умуман бу хонадонга торлик қиладиган жойи йўқ дегани. Унда нега Т. Қурбанбаев 2010 йилда, ўша пайтдаги туман ҳокими У.Машариповга томорқасидан шикоят қилиб, ер майдонини кенгайтиришни сўраб ариза ёзган?.. Ёки тадбиркорлик қилмоқчи бўлганмиди?.. Унда наҳотки жой аҳратишга Гурлан туманида мана шу боши берк, бунинг устига ёнғин-хавфсизлиги йўлаги бўлган кўчадан бошқа ер майдони топилмаган бўлса?!.

“Ён қўшнинг жон қўшнинг”, деган нақл бежиз айтилмаган. Қимирлаган одам борки, иссиқ жон, унинг иситмасидан энг биринчи хабар топадиган, ёнида туриб далда бўладиган ҳам ён қўшниси бўлади. Лекин Гурлан туманининг собиқ ҳокими У.Машарипов икки қўшнининг ўртасига “оламушук” ташлаб қўйганини, уларнинг ўзаро жанжалида, биринчи навбатда, ўзи айбдор эканини билармикин?

Йўқса, Гурлан тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари мазкур ер майдонини катта йўлга чиқиб кетмаганлигини аниқлаш, қуриладиган янги объект чизмасини чизиш учун 2017 йил 15 сентябрда тузилган далолатномага манфаатдор Т.Қурбанбаев имзо қўйган, лекин бошқа қўшнилар ошкора норозилик билдиришган, Гурлан туман ҳокими эса топширилган кадастр ҳужжатини асос билиб, ҳужжатдаги хатоликни назар-писанд қилмай қарор чиқарармиди?..

Натижада боши берк кўчага кириб қолган ушбу масала Гурлан туман маъмурий судида уч марта, Хоразм вилоят маъмурий судида эса икки марта кўриб чиқилган. Энг қизиғи, масала ҳалигача очиқлигича қолмоқда. Биз Хоразм вилояти маъмурий суди раиси Умиджон Расулбердиевга учраганимизда, раис: “Хоразм вилояти маъмурий суди томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар тоифасига кирадиган ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги вилоятдаги маъмурий судларда 2019 йил давомида кўриб чиқилган ишлар ўрганиб чиқилди. Статистик маълумотларга кўра, ҳисобот даврида мазкур тоифадаги жами 300 та ариза кўриб чиқилган, шундан 174 таси қаноатлантирилиб, туман ва шаҳар ҳокимларининг 176 та қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган. 107 та ариза рад қилинган бўлса, 5 таси кўрмасдан қолдирилган ва 14 таси бўйича иш юритиш тугатилган. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритгандик. Аммо...”, — деди биз билан суҳбатда.

2018 йил 27 апрелда вилоят маъмурий судининг апелляция инстанцияси судида М.Ўразбаева ишини судья Жамила Султанова кўриб чиққан, у ҳам Гурлан туман маъмурий суди қарорини ўз кучида қолдирган. Ҳойнаҳой апелляция аризасига илова қилинган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқишга вақти бўлмаган ёки хафсаласизлик қилиб, беэътибор қолдиргандир. Йўқса, кадастр ҳужжатларидаги хатоликни кўрган, билган ва бунга ҳуқуқий баҳо берган бўларди...

Даъвогар ёки айбдор шахс шунчаки оддийгина айтиладиган гап эмас, балки уларнинг ортида инсонлар тақдири бор. Ҳазрат Алишер Навоий: “Бир кўнгилни вайрон этмак, Каъбани вайрон этмак билан баробардир”, дейди. Хоразм вилоятидаги туман маъмурий судларининг беғарволиги оқибатида ҳалигача икки томон ўртасида судлашиш давом этмоқда.

Албатта, фикрлаётган инсонда савол туғилиши табиий, масалан, суд ҳокимни четлаб ўтолмай, унинг қарорини бекор қилмасдан, ўзи ҳам нотўғри қарор чиқарса ким жазоланиши керак? Раислик қилган судьями ёки меники тўғри қабилида ишлаётган туман ҳокимими? Ҳар икки томон жазосиз қолар экан, бундай бошбошдоқлик давом этмаслигига кафолат борми?.. Ахир юқорида айтилганидек, судлар томонидан биргина ўтган йил ичида Хоразм вилоятидаги туман ва шаҳар ҳокимларининг 176 та қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган. Ажаб ишлар... Қонун устуворлигини таъминлашда айбдорга, ким бўлишидан қатъи назар, тегишли чора кўрилиши керак эмасми?..

Хоразм вилояти, Гурлан тумани архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан ҳокимликка киритилган 2017 йил 27 августдаги №183-сонли огоҳлантириш хатида ҳокимдан “Хизир эли кўчаси, 49ª-сонли уйда яшовчи Т.Қурбанбаев ортиқча ер майдонидаги қўшимча бинони йиқитиб, ер майдонини ўз ҳолатига келтириш” сўралган. Аммо туман ҳокими У.Машарипов назоратсиз қолдирган. Балки расмий хат ҳокимгача етиб бормагандир. Бундай дейишимизга сабаб, Т.Қурбанбаевнинг қудаси Комил Ўразметов собиқ ҳоким У. Машариповнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган экан...

Ажабланарлиси шуки, кейинги уч йилда сиёсий, маънавий ва ижтимоий соҳаларда улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо айрим туманлардаги суд, прокуратура, ички ишлар, адлия бўлимларида ўзгариш сезилмаяпти. Ёки давлатимиз раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш, уларнинг мустақил иш юритишини таъминлашга қаратилган таъкидли ундовлари чекка ҳудудларга етиб бормаяптимикин? Уларнинг юқори органи туман ҳокимлиги эмас-ку, лекин буйруқни бажаришдан нарига ўтишмаётган ҳолларга қандай изоҳ бериш мумкин?

Масалан, М.Ўразбаеванинг мурожаати 2018 йил 16 февралда Гурлан туман маъмурий судида, судья Сардор Аллабергенов раислигида кўрилган. Аризада кўрсатилган туман ҳокимининг 2017 йил 13 октябрдаги №2380-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ишида С. Аллабергенов судга киритилган ҳужжатлар, қўшимча иловалар билан тўлиқ танишгани, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиб, М.Ўразбаеванинг таъкидлашича судда: “Мен туман ҳокими қарорини бекор қилолмайман”, деганини нима деб тушуниш мумкин?.. Ҳеч бир судьяга қонун доирасида ишни кўриб чиқиш, тегишли тартибда қарор қабул қилишга тўсқинлик қиладиган қўшимча қонун йўқ-ку!..

Ҳазрат Мирзо Бедил: “Аввал бошдан ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор, осмонга етса ҳам қийшиқдир девор”, деб ёзган эди. Дарҳақиқат, аввал бошдан судда даъвогар иши хатолик билан кўрилганлиги оқибатида, мана, орадан уч йил ўтса ҳам судлашиш ишлари тугамади, якуний хулосага келинмади.

Таҳририятга келиб, ўрганиш жараёнида тўпланган ҳужжатларни тартибга келтириб, ҳар икки томонга манфаатли мақола ёзиш ниятида қоғоз қоралай бошлаганимизда, Гурландан телефон бўлди: “Тўлибой Қурбанбаев яна судга шикоят ариза киритибди. Мен аризани суратга олиб, сизнинг телеграмингизга ташлайман”, деб қолди. Олдик. “Назорат тартибида шикоят ариза”, деб бошланади туман маъмурий судига ёзилган ариза. Давомида: “Вилоят маъмурий суди ҳам Гурлан тумани судининг қарорини кўчириб ёзиб ўзгартирмади, — деб ёзади Т.Қурбанбаев. — Бу ерда суднинг айби борлигини текшириб, аниқлаб 25 декабрь 2019 йилдаги тўпланган маъмурий иш бўйича суднинг қарорини бекор қилишингизни сўрайман”.

“Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр”, деганидек, энди ўртадаги сарсон шикоят аризаларию, икки фуқаронинг ов-ворагарчилиги қачон тўхтайди, буни энди Худонинг ёлғиз ўзи билади.

Мазкур масалага ҳуқуқий баҳо беришни сўраб, М.Ўразбаеванинг адвокати “Урганч адолат нури” адвокатлик бюроси раҳбари И.Юсуповга мурожаат қилдик. Бизга тақдим этган расмий маълумотда шундай ёзилган: “Гурлан туман ҳокимлигининг 13.10.2017 йилдаги №2380-сонли Хизр эли кўчаси, 49ª-уйда яшовчи Т.Қурбанбаевга эгалик қилиш учун қўшимча ер майдони ажратилиши тўғрисидаги қарори мутлақо асоссиз, деб биламан. Чунки, туман ҳокимлигининг 27.08.2017 йилдаги №372-сонли маълумотномасида, Гурлан туман ҳокими ўринбосари У.Раҳимбоев, ҳокимлик бош мутахассиси Ш. Базарбаев, туман архитектура ва қурилиш бўлими мутахассиси А.Юлдашевлар томонидан Т.Қурбанбаевнинг ўтирган уйи аслида 12х35, жами 420 кв.метрдан иборат бўлиб, амалда жами 528,66 кв.метр эканлиги аниқланиб, ноқонуний қурилмани бузиб ташлаш бўйича ФИБ судга даъво аризаси киритилиши билдирилганди. Ўша вақтдаги ҳоким буни эътиборга олмади.

Айнан юқоридаги сана билан №183-сонли хатда йўлакни ўз ҳолига келтириш сўралган, бу ҳам жавобсиз қолди. Шундан сўнг, архитектура ва қурилиш бўлими томонидан қўшимча тартибда №507-сонли тақдимнома яна туман ҳокимига киритилди. Унда лойиҳадан ташқари қурилган 92,20 кв.метр ноқонуний бино борлиги ва уни Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан қонуний чора кўришлик сўралганди. Аммо ўзингиз кўриб турганингиздек, ҳалигача масалага ойдинлик киритилмаяпти”...

Эндиликда М.Ўразбаева, ишлари тартибга тушганда албатта, ҳовли танлашда халқимизнинг: “Ҳовли олма, қўшни ол” мақолига қатъий риоя қилса ажаб эмас, ён қўшниси Т.Қурбанбаев-чи, бу ғавғоли ишга аралашиб қолганидан хафами ё бекорчиликда “эрмакка иш” топилганидан хурсандми, аммо буниси ҳам муҳим эмас, энг муҳими, Гурлан тумани маъмурий суди судьялари ишсиз қолмайдиган бўлишди...

Юсуф ЖЎРАЕВ,
“Hurriyat” мухбири.

МУНОСАБАТ

Ижодкор аҳли, касби тақозосидан келиб чиқиб, азалдан «эътиборталаб» бўлади. Бу бежиз эмас, озгина қўллаб-қувватлаш ҳам ижодкорга руҳий кўтаринкилик, тетиклик, куч-ғайрат, илҳом бахш этади.

Лекин наинки ижодкор аҳли, аслида барча соҳалар ҳам эътиборга, рағбатга эҳтиёж сезади. Ана шу юксак эътибор яккаликдан умумийликка кўчса, соҳаларга қаратилса борми, юзлаб, минглаб инсонлар руҳан мадад олади, янада шижоат билан ўз меҳнат фаолиятини такомиллаштиради. Натижада юртимиздаги ўсиш янада тезлашади. Бунга кейинги уч йилда ўзимиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ростгўйлик, холислик, профессионаллик

ОАВ вакилларидан доимий изланиш ва жасоратни талаб этади

Нафақат юртдошларимизга, балки бутун дунё жамоатчилиги ўртасида Президентимизнинг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси юксак эътироф ва қизиқишларга сабаб бўлди. Хусусан, сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани юртимиздаги ҳар бир журналистнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида жумладан: "Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман", — деди.

Шунингдек, Президентимиз журналистларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар эшиги очилади, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни оммавий ахборот воситалари орқали халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишига барча шарт-шароитлар яратилади, деб алоҳида таъкидлади.

Бундай юксак эътибор мамлакатимиздаги барча давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорларни янги-янги марралар сари руҳлантириб, янада фаол бўлиш ва ўз ишига бўлган ишонч ва иштиёқини уйғотмоқда.

Ростгўйлик, холислик, профессионаллик. Мана шу уч сўз замирида ифодаланган фазилату хислатларни ўз фаолияти мезонига айлантирган ҳамкасбларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Уларда касб кўникмаларини янада шакллантириш, фаоллигини ошириш уюшмамиз зиммасига юкланган вазифалар сирасига киради.

2020 йил — «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да миллий журналистикамиз тараққиётига оид илмий изланишлар олиб бориш билан боғлиқ фаолият жонланишига шубҳа йўқ. Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган журналистикага оид китоблар тақдимотида айтилганидек, ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар кўп, нашр этилган 10 томли қўлланма эса бу борадаги бажарилган ишларнинг дебочасидир.

Бугунга келиб соҳа ва тармоқлар ривожланаётир, мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўймоқда. Янги Ўзбекистонни қуриш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотларнинг аҳамияти ҳам шундаки, эришилган ютуқларни тезкор, холис ва ҳаққоний ёритиб бориш оммавий ахборот воситаларига, уларда фаолият олиб бораётган журналистларга, қолаверса, уюшмамизга катта масъулият юклайди. Шунингдек, соҳага энди кириб келган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим, малака ва маҳоратини ошириш масалаларига уюшмамиз алоҳида эътибор қаратади. Бу Мурожаатномада белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга оширишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйилганидандир.

Уюшмамиз "Устоз-шогирд" анъанасини янада ривожлантириш, юртимизда ҳар жиҳатдан кучли, профессионал журналистларнинг сафи кенгайишига ўз ҳиссасини қўшиш, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида демократия ва ошкоралик тамойилларини қарор топтириш мақсадида фикрлар хилма-хиллиги, турли қараш ва ёндашувларга кенг йўл очишга кўмаклашади.

Соҳа равнақида ҳамкасбларимизнинг рағбатлантирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шу кунларда Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолиятини бошлагани бу борадаги хайрли амаллардандир.

Янгиланиш, юксалиш сари дадил қадам қўяётган давлатимиз равнақига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз касбимизга бўлган масъулият, бурч ва она Ватан истиқболи йўлидаги дахлдорлик ҳиссини белгилайди.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари.

ҲАМКАСБ

"Анов чайир бола ким бўлди?"..

— Омадли экансиз, берилган саволларга яхши жавоб бердингиз. Қатъиятли, чўрткесарлигингиздан маълум, яхши талаба бўласиз. Аммо яна бир савол, Сурхондарёдан сиздан ташқари, яна уч киши шу факультетга ҳужжат топширган, улар ҳам берилган саволларга жавоб беришди, лекин бизда қабул қилинувчилар сони чекланган-да, айтинг-чи, ўқишга сиз кирганингиз маъқулми ёки улар? — жиддий сўради домла.

— Менга қолса ҳаммамиз ўқиганимиз яхши, домла, — деганди ўшанда абитуриент Усмонали Норматов...

Биз, юқори курс талабалари ёзги таътилдан қайтиб, янги ўқув йилини бошладик. Деканнинг хонаси ёнидаги залнинг бир бурчида биринчи босқич талабалари бегонасираб туришарди. Курсдошим Абдумажид Азимовдан сўрадим: "Ҳов анов, чайирдан келган, ким бўлди? Шиддати баландга ўхшайди". "У — сариосиёлик, армия кўрган бола. Мен ҳам кеча билдим".

Орадан кўп ўтмай бутун журналистика факультети талабалари Мирзачўлга ихтиёрий-мажбурий ҳашарга, яъни пахта теришга кетдик. Шу ерда биринчи босқич талабалари билан ҳам танишдик. Усмонали «барак»да, яъни ҳашарчи талабалар жойлашган қўналгоҳда бўладиган гап-сўзларга, турли баҳс-тортишувларга, тарафкашликларга қўшилмасди. Ўзи билан ўзи бўлиб, кўп қатори пахта терарди. Тортинчоқ, десак нотўғри бўлар, аммо ҳаммадан, ҳамма нарсадан муомала ва муносабатда масофа сақлашга ўрганган бу собиқ аскар тез орада яқин укамиздек бўлиб қолди. Биз Усмонали билан икки мавсумда Сирдарёнинг Оқ олтин туманида бир баракда ётиб пахта терганмиз.

У пайтларда бепоён пахтазор бағрида жойлашган дала шийпондаги таниқли ёзувчи, шоирлар билан бўладиган ижодий учрашувлар, шеърият мушоиралари, адабий жараёнлар ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳали-ҳали ёдимиздан чиқмайди, қалбимизда муҳрланиб қолган.

— Отамга журналист бўламан, деб поездга билет олдирдим. Елкамдан юк босгандай бўлди. Нима қилиб бўлса ҳам талаба бўлишим шарт эди. У пайтлари республика бўйича журналистика факультетига 25 нафар бола қабул қилинарди. Ҳужжатларимни қабул ҳайъатига топширдим, қарасам кеч бўлаяпти, борадиган, ётадиган жойнинг ўзи йўқ. Бу ҳаётимдаги биринчи учраган қийинчилик эди.

Аланглаб атрофга қарайман, хавотирда турганимни сезган шекилли, Эргаш Ибрагимов деган курсдошларингиз талабалар шаҳарчасидаги ётоғидан жой берди. Кўнглим ёришди. Ўшанда кўзимга бу одам авлиёдек кўринганди. Кейин билдим, ўзи ҳам авлиёсифат одам экан. Сўнгра Мирза Кенжабек, Сирожиддин Саййидни учратдим. Шу тариқа "талабалик олтин даврим" бошланган, — дейди Усмонали ўша дамларни эслаб.

* * *

...Мен ўқишни тугатиб, қоида бўйича кичик лейтенант унвонини олиш учун Қозоғистоннинг Черняев вилоятига ҳарбий хизматга кетдим. Насибадан қочиб бўлмас экан-да...

1986 йил, ёз охирлаганди, дипломини кўтариб, Усмонали Термизга — "Ленин байроғи" (ҳозирги "Сурхон тонги") вилоят газетасига ишга келди. Уни ўша пайтда бош муҳаррир ўринбосари, Норқул Ҳайитқулов илиқ кутиб олди. Сўнг мухбир бўласан деб қишлоқ хўжалик бўлими мудири Тансиқбой Тумушев "академияси"га шогирдликка беришди. Айримлар уни бу одам билан олти ой ҳам ишлаёлмайди, дейишди. Чунки Тансиқбой ака қаттиққўл, тўғрисўз, гап келганда отасини ҳам аямайдиган, чўрткесар одам эди. Аммо ўз соҳасини яхши биларди. Йиллар давомида унинг феъли ва фазилатлари Усмонали Норматовга кўчди, десам хато қилмаган бўламан.

Во ажабо, ана шу бўлиб ўтган воқеаларга ҳам ўттиз беш йил бўлибди... Шу вақт ичида "Сурхон тонги" жамоаси қишлоқ хўжалиги муаммолари, ютуқларини ёритишда қандай натижаларга эришган бўлса, бунда Усмоналининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

* * *

Усмоналининг отаси ўн олти ёшида Иккинчи жаҳон урушига кетиб, беш жойидан ярадор бўлган, аммо бир қатор орден-медаллар тақиб, 1945 йили ғалаба билан она қишлоғига қайтиб келган. У киши ферма мудири, пахтачилик бригадаси бошлиғи, почтачилик қилди. Турмуш ўртоғи Ойша биби билан беш ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ тараб воягa етказишди.

Усмонали Норматов таҳририятнинг қишлоқ хўжалиги бўлимида мухбир, бўлим бошлиғи, масъул котиб бўлиб ишлади. Ўз даврининг атоқли журналистлари С.Жўрақулов, Н.Ҳайитқулов, И.Отақулов, Б.Ёриев, О.Усанов, Х.Мақсадқулов, Р.Абдураҳмонов, Т.Қўшоқовларни ўзининг устози деб билган Усмонали миллий матбуотимизда ўз услубини ярата олди. У "Сурхон тонги"ни бағрига босганча, 1994- 2010 йилларда республика "Спорт", "Қишлоқ ҳаёти" газеталарининг вилоят бўйича мухбири сифатида ҳам даврнинг долзарб муаммоларни ёритганини газетхонлар яхши эслашади.

— Холмамат Маматқулов ўз ишини санъат даражасига кўтарган ижодкор эди, — дейди Усмонали ёшликни хотирлаб. — У киши фаолияти давомида ўнлаб маҳаллий ва халқаро фотокўргазмалар ғолиби бўлганди. Менга энг армон қиладигани, қаранг, ёшлик қилиб, шу инсондан фотосанъатни ўрганмабман. Яна Норқул ва Хуррам акалар таҳрирда беназир кишилар эди, улар таҳрир қилган публицистик жанрлар поэзияга айланарди. Бу каби таҳрир усталаридан ўрганадиганларим кўп эди...

* * *

Усмонали Норматовнинг умр йўлдоши Муборак Эргашева ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаб, бир умр ёшларга она тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Бу зиёли оилада икки ўғил, бир қиз тарбия топди. Усмонали Норматовнинг тўғрисўзлиги, ҳаллоллиги, дангаллиги, ижодкорлик журъати ҳаётий фаолиятида қанчалик панд берган бўлса, ўз ўқувчилари, ҳамкасблари эътиборини қозониш, эл-юрт ҳурматига сазавор бўлишида шунчалик қўл келганлигини тан олмасдан бўлмайди. Яна бир гап: унинг бирор марта бўлса-да, вазифа, мансабга интилганини ёки шунга мойиллик билдирганини бу даргоҳда ҳеч ким кўрган, билган эмас. Унга бўлим мудирлиги, касаба уюшмаси раислиги ва масъул котиблик вазифалари мажбурлаб юкланган. Усмонали Норматов меҳнат фаолияти давомида Президентимиз фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

"Кечагина" таҳририятга ишга келган укамиз бугун олтмиш ёшни қаршилаганига инонгинг келмайди. Вақтнинг бардоши ва кескирлигини ўзгартиришга бандаси ҳамиша ожизлик қиларкан-да...

Сафар ОМОН,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси,
Сурхондарё вилояти.

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан "Оролдаги боғим" — "My garden in the Aral Sea" агро ва экотуризм инновацион лойиҳаси бўйича www.aralforest.org сайти ишга туширилди.

Оролда биргаликда боғ яратамиз!

"Оролдаги боғим" лойиҳасининг асосий мақсади кўкаламзорлаштириш лойиҳасини ишга тушириш бўлиб, бутун дунё вакиллари ва маҳаллий аҳолининг Орол денгизининг қуриши оқибатларини енгиб ўтишда бевосита иштирок этиш ҳиссини уйғотишдир. Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан 2020 йилда лойиҳа доирасида 100 минг туп дарахт экиш мўлжалланмоқда. Дарахтларни экишда сувни тежайдиган технологиялар қўлланилади.

Чўл ўсимлигининг ҳар бир кўчатини экишга 1 доллар (10 минг сўм) сарф қилинади, манзарали дарахтларнинг ҳар бир кўчатини экиш учун эса 5 доллардан 20 долларгача (50 минг сўмдан 200 минг сўмгача) харажат қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, Оролбўйи халқаро инновация маркази Мўйноққа ташриф буюрувчи сайёҳлар томонидан хайр-эҳсон қилиш учун барча шароитлар яратилади. Маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун Uzcard, Viza, Mastercard тўлов терминаллари ўрнатилади ва қўшимча равишда тўлов тизимлари йўлга қўйилади.

Ҳар бир иштирокчи дарахтларни ўзига керакли миқдорда сотиб олиши ва Марказ қошидаги "Мўйноқ" илмий-ишлаб чиқариш участкасидан ажратилган жойга экилишини таъминлаши мумкин. Боғ доимий қўриқланади, дарахтларга ғамхўрлик қилинади ва бундан ташқари, ҳар бир экилган кўчатни парвариш қилиш, суғориш ва ўғитлаш ишларига ҳам масъуллик белгиланади.

Марказда сайёҳларнинг умумий электрон маълумотлар базаси бўлади. Ушбу маълумотлар базасига эса сайёҳлар тўғрисидаги маълумотлар (исм, фамилия, мамлакати, кўчатлар номи, туғилган сана, электрон почта манзили) киритилади. Лойиҳа иштирокчиларига кўчатлар бўйича молиявий, фото ва видео ҳисоботлар электрон кўринишда доимий равишда тақдим этилади. Бир йил ўтгач, марказга ташриф буюрадиган сайёҳлар ўз кўчатларини Орол денгизи ҳудудига кўчириб ўтқазишлари мумкин, агар ташриф буюришнинг иложи бўлмаса, марказга кўчатларни Орол денгизининг қуриган тубига трансплантация қилишлари мумкинлиги ҳақида хабар юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу акцияда қатнашиш истагида бўлган барча ҳамюртларимиз ва хорижий фуқароларни фаол иштирок этишга чақиради!

Феруза БЕРДИЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР

"Бу майдон ичра ..."

Таҳририятлар тузини тотиб кўрган, мухбирлик машаккатидан бохабар бир қаламкаш сифатида яхши биламанки, бугун газета чиқариш, кўпчилик ўйлаганчалик, "осон иш" эмас.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида ҳам мақола ёки хабар ёзиб, қарсиллатиб қалам ҳақини олиб, дўппини бошга қия қистириб юрса бўларди. Бугун-чи? Ундай эмас. Аввал, нашр харажатига пул топасан. Муштарий бурнини жийирмайдиган, дилтортар чирой ва савияда чоп этасан. Ана ундан сўнг, ўқувчисининг эшигини тақиллатиб, элтиб берасан: муродинг ҳосил бўлади. Бордию, шундай қила олмасанг, газетанг тутантириққа ҳам ярамай, аллақайси "искалат"ларда қолиб кетиши ҳам мумкин.

Бир амаллаб газета очиб, ҳасратидан чанг чиқиб юрганларни ҳам кўряпмиз. Ичимизда, нима зарил эди-я, сенга, деб қўямиз.

Начора, журналистика ҳам бир оҳанраболи касб. Ҳар бир даврда, ҳар бир касб ўз фидойилари билан муҳташам. Ўзига хос, "фанат"лари билан гуллайди, гуркирайди.

Ўтган йили, ҳамманинг эътиборига тушган бир обрўли журналда, чарақлабгина ишлаб юрган Нозимжон Ашуралиев деган ижодкор укам:

— Ака, дуо қип туринг. "Вақт – Время" газетаси ишга таклиф қиляпти", – деб қолди.

Дуони-ку, қилдим, аммо хаёлимдан, "аристонларга аталган, наридан бери газета бўлса керак. Иссиқ жойини совутишига арзирмикин?" — деган фикр ҳам ўтди.

Адашган эканман! "Панжара ортидагилар" учун чиқадиган ўша газета салкам саккиз минг нусхада чоп этилаяпти.

Кўз ташлаб, фикр айтиш маъносида келтириб беришган бир неча сонини варақлар эканман, уни озод одамлар ҳам ўқиса бўладиган, истараси иссиқ, чайиргина газета экан, деган фикрга келдим. Қайсидир маънода ўқувчисини ҳам топиб олган.

Нафсиламбирини айтганда, "Вақт – Время" бугун "очиқдагилар" учун чиқарилаётган кўплаб газеталардек анчайин дилкаш, қизиқарлироқ туюлди, менга. Бу эҳтимол, ижодий жамоанинг муаммоларини биз хира тасаввур қиладиган, "ёпиқ ҳаёт" эканига кўникиб қолган, шарт-шароитлари ғира-шира, оддий аҳоли учун анчайин сирли бир олам бўлган, жазони ижро этиш муассасаларини ичидан кўриб, қаҳрамонлари билан юзма-юз ўтириб, ўй-хаёллари, изтиробларини жон қулоғи билан эшитиб, қўлга қалам олганида, деб билдим.

Ижодий жамоа фақат ўз имкониятлари билан чекланмай, ташқи муаллифларга ҳам бажонидил жой ажратишини кузатдим.

Нафақат журналистикамизнинг, балки бугунги адабий жараённинг таниқли вакиллари Иқбол Мирзо, Хуршид Даврон, Сирожиддин Саййид, Минхожиддин Мирзо, Ибодулла Мирзаев (таржимон) ва бошқа бир қатор муаллифларнинг номлари ҳам газетага анча файз киритишини сездим. Иложи бўлса, меҳмон муаллифлар сафи янада кенгайса. Чет эл адабиётидан ботбот алоҳида саҳифалар қилинса. Янги, қизиқарли рукнлар кўпайтирилса, нашрнинг юзи яна ҳам очилиб кетар экан, деб ўйладим.

Газета ўз ўқувчилари билан алоқаларни анча яхши йўлга қўйиб олгани кўриниб турибди. Эълон қилинаётган мактублар, дил изҳорлари, маҳқумлар ижодидан намуналар мунтазам ёритиб борилиши анъанага айлангани сезилади.

Ўқувчи кўнглини овлайдиган рукнлар кўпайтирилса. Яъни, "Сиз кутган учрашув", "Панжара ортидаги дўстлик", "Мен, албатта қайтаман!", "Сиз менинг ёдимдасиз!", "Савол берган экансиз", "Қонун ёки қарорга муносабатингиз", деганга ўхшаш...

Маҳқумлар ўзларини қийнаётган барча саволларга ўз газетаси "Вақт..." орқали мутахассисларнинг жўяли жавоби, фойдаси тегадиган, самимий маслаҳатларини олиши ҳам газетхон билан таҳририят ўртасида қизғин алоқалар, илиқ муносабатларни кучайтиради, газета жамоасига ҳурматини оширади. Бунинг учун уларнинг кўнглига чин дилдан қулоқ тутишни билишимиз керак. Нашрнинг бош мақсади ҳам ана шу қатлам билан ишлаш, назаримда.

Ҳозирги ҳолатида эса кўпроқ формали ходимлар билан ишлаш биринчи ўринда тургандай таассурот қолдирмаяптимикин?! Фотосуратларда формали ходимларнинг ҳукмфармо фаолияти бўртиб турган вазиятлар кўпроқ акс этаётгандай. Иложи бўлса бундай суратларни камайтириш зарур. Бу таклифимиз, асосан, фотосуратчига тегишли. У ўз ишига сал ижодийроқ ёндашиб, маҳқумларнинг формали ходимлар билан дилкашроқ ҳолатларини пойлаши, пайтини илғаб, пленкага муҳрлай олиши лозим. Буни кўрган ходимлар ҳам охир-оқибат, ҳа, шундай ишлашимиз керак экан, деган хулосага келишса, ажаб эмас.

Маҳқумлар ҳаёти билан боғлиқ, ихчам ҳикоялар, айниқса, юмористик асарларни нашрда умуман кўрмадим. Бундай нарсалар дунё адбиётида ҳам, ўзимизда ҳам истаганча топилади.

"Ўқишни тавсия этамиз" рукни яхши. Унинг тагидан ўша китобдан қизиқарли парча берилмаса, бу иш ўзини оқламайди. Шунчаки, реклама ёки "пулга ташна" ишбилармон ноширлар фойдасини кўзлаб қилинган иш бўлиб қолади.

Ниҳоят, "Шеърият бўстони" рукни масаласида.

Аввало, шундай саҳифанинг борлиги ва мунтазамлиги кишини хурсанд қилади. Фақат, муаллифларнинг исми тўлиқ келтирилмаслиги унчалик тўғри эмас, назаримда. Чунки, руҳшуносларнинг айтишича, ҳар қандай одамга кимнингдир лафзидан ўз исмини эшитиш энг ҳузурбахш лаҳза бўларкан. Қолаверса, тўрт жумлани муносиб жамлаб, матбуотда ёритаётган қаламкаш учун бу неъматнинг аҳамияти беқиёс. Агар ички тартиб ёки қонунларда монелик бўлмаса, муаллифларнинг исми тўлиқ ёзилгани маъқул. Бу ҳам газетани ўз ўқувчиси билан янада яқинлаштириши шубҳасиз.

Шундай қилиб Нозимжон укамиз "Вақт – Время"га ишга ўтди. Янги йил арафасида унга газетасининг ададидан қайғурган бўлиб:

— Эски йилда салкам саккиз минг нусхада чиққан экансизлар. Тузуккина ошдими, ададинглар? — деб сўрадим. У нима деди, денг:

— Хайрият, етти минг нусхага етказиб олдик.

Анграйиб қолибман.

Бу гапни у бошқа газетачи дўстларимга ўхшаб, армон билан эмас, аксинча, мамнуният билан айтаётгани мени баттар ажаблантирарди. Тушунмайроқ турганимни сезгач, аниқлик киритди:

— Аристонлар кейинги йилларда бизда ҳам камайиб боряпти, ака. Етти минг ҳам аслида кўп. Қани энди, маҳқумлар кескин сийраклашиб, қамоқхона бинолари ҳувиллаб қолса. Тепасига Швециядагидай, маҳқум йўқлигини билдирувчи оқ байроқлар тикиб қўйсак! Биз эса шу туфайли — ушбу газетадаги ходимлар ишсиз қолсак ҳам рози эдик.

Биласизми, матбуотчиликка манғиганидан буён "тираж" учун курашиб яшаган бир қаламкашга, журналистикага энди кириб келаётган бир ҳамкасб дўстининг тилидан бундай жавобни эшитиши, жуда ҳам ёқимли.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ТААССУФ

Мирзачўл — қумлоқ яйдоқ далаларда меҳнаткаш, забардаст инсонларнинг қўл меҳнати билан бунёд этилган боғ-роғу, кўкаламзорга айланган гўша. Дилтортар масканга айланган. Бир шикоят сабаб яна Мирзачўлга қадам ранжида қилдик. Бийдай даштда яшаётган, деҳқончилик қилаётган одамларнинг юз-кўзида қатъиятлилик ифодаси бор. Улар одимларида эса келажак сари ишонч билан мустаҳкам қадам залвори сезилиб туради...

Тадбиркорнинг арзини ким тинглайди?

Туман ҳокимияти биносига борганимизда, узоқдан келган меҳмон эканимизни билишди шекилли, дарров эътибор кўрсатишди. Иш юзасидан ташриф буюргандик, дўстона суҳбатлашишга вақт тиғиз бўлгани боис, мақсадга ўтдик. Камтар, камсуқум, аммо сипогина кийинган, ўзини Баҳодир Ҳошимов деб таништирган йигит таҳририятимизга кунора кела бошлаганди. "Сизнинг шикоятингиз, албатта, ўрганиб чиқилади. Агар лозим бўлса мақола эълон қиламиз", деганимизга ҳам ишонқирамай, "мен қишлоғимга кетсам шикоятимни эътиборсиз қолдиришмайдими", дебми у: "менинг аризамни ўрганасизларми ростдан ҳам", — дея таҳририятимизга тез-тез телефон қиларди... Биз туман ҳокимлиги мутасаддиларига қоғоз жилд тўла ҳужжатларни ўрганиб, ўртадаги муаммони атрофлича холис таҳлил қилмоқчи эканимизни айтдик.

Маълум бўлишича, 2012-2013 йилларда Баҳодир Ҳошимовнинг отаси Ҳасан ака (ҳозирда марҳум) туман "Марказий таъмирлаш устахонаси"да муҳандис бўлиб ишлаган, жойларда деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилиб, такомиллаштирилгач, устахонага унчалик эҳтиёж қолмаган. Шунда муҳандис Ҳасан Ҳошимов туман аҳолисининг оғирини енгил қилиш мақсадида устахонада оилавий тадбиркорлик ташкил этиш учун ҳокимликка мурожаат қилади. Мирзачўл тумани ҳокими М.Бобобековнинг 07 январь 2013 йилдаги №01-08-рақамли хатида мазкур бинодан вақтинчалик фойдаланишга рухсат берилгани айтилади.

Албатта, мустақил иш бошлаш осон кечмайди, устахонани тартибга келтириш, аҳоли эҳтиёжига мослаб қайта жиҳозлаш меҳнатдан ташқари, бирмунча сармоя ҳам тикиш лозим бўлган. Айниқса, ўз соҳасининг моҳир усталарини ишга жалб этиш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш талаб этиларди. Шундагина ишда унум бўлиб, одамларнинг ишончини қозониш мумкин эди.

Ҳ.Ҳошимов саъй-ҳаракатлари билан устахона дурустгина ишлай бошлайди. Хўжаликлардан, ҳатто қўшни маҳаллалардан ҳам техник воситаларини таъмирлатишга келадиганлар сони кўпаяди. Вақт кутиб турмас экан, умри поёнига етганини сезганми, Ҳасан ака устахонани юритишни ўғли Баҳодир Ҳошимовга топширади. Б.Ҳошимов ота касбини давом эттириш баробарида "Баҳодир юксалиш" хусусий корхонасини ташкил этади. Президентимизнинг ёшларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича кўрсатмалари асосида Республика "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасига ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Жиззах вилояти ҳududий бошқармасига аъзо бўлади. Бир қараганда ишлар силлиқ кетарди. Аммо мамлакатимиз ҳудудидаги туманларда "Yoshlar mehnat guzari" ташкил этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига чиққан бир пайтда, буни тўғри англаган Б.Ҳошимов туман ҳокимлиги балансида бўлган мазкур бинода меҳнат маркази ташкил этишга изн сўраб Мирзачўл тумани ҳокимига хат киритади. Ҳамма чигаллик шундан бошланади...

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187-моддасида: "*Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади*", дейилади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури тўғрисидаги ПФ 5466-сонли фармони талаблари асосида 2019 йилда ташкил этиладиган "Yoshlar mehnat guzari" комплекси манзилли рўйхатга киритилган эди. Натижада "Марказий таъмирлаш устахонаси" аукцион савдога қўйилмаслиги талаб этиларди. Аммо ҳокимлик ушбу бинони негадир тезкорликда "Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК савдосига 0 қийматда қўяди. Ваҳоланки, "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастурида давлат-хусусий шерикчиликнинг қуйидаги шартлари белгилаб қўйилган:

а)туман (шаҳарлар) ҳокимликлари:

"Ёш тадбиркорлар" кворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини, шунингдек, бошқа объектларни қуриш (жойлаштириш) учун хусусий инвесторларга истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокаралар орқали ер участка (бўш бинолар)ларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади, дейилган, аммо туман ҳокимлиги истисно тариқасида бу ҳужжатни эътибордан четда қолдирган.

Натижада бино электрон-онлайн аукцион савдода 0 қийматда "Зилол булоқ" МЧЖга сотиб юборилади. Савдо келишуви бўйича, умумий ер майдони 0,11, мулкнинг сотилган баҳоси 1 000 001 сўм, шартнома тузиш учун бошқа шартлар киритилаётган инвестициялар миқдори 800 000 000 сўм, инвестицион мажбуриятларни бажариш муддати 24 ой, яратилаётган янги иш ўринлари 20 та кўрсатилган.

Аукцион 2018 йил 19 декабрда бўлган, аммо бино ҳалигача ташландиқ ҳолатда турибди, олинган мажбуриятни бажариш учун ҳеч бир ҳаракат қилинмаган. Аксинча, бинонинг янги хўжайинлари 2013 йилдан буён сақланиб келинаётган бино жиҳозлари, "Баҳодир юксалиш" хусусий корхонасига тегишли ускуналарни темир-тақа бозорига мослаб, кесиб-тахлаб чиқишибди (аслида бу ўзибилармонлик ва талон-торожлик), аммо нега?.. Ахир 18.04.2019 йилдаги тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги Мирзачўл тумани Давлат хизматлари агентлиги томонидан тузилган маълумотномада бинодаги жиҳозлар 94 348 000 (тўқсон тўрт миллион уч юз қирқ саккиз минг) сўм баҳоланган. Тадбиркорга етказилган зарарни энди ким қоплайди? Бу ҳам ҳали ечимини топгани йўқ.

Балки устахонани ноль қийматда сотиб олган "янги хўжайин" ўртада сарф қилинган маблағини чиқариб олиш учун бўлаклагандир? Буниси бизга номаълум. Аниғи шуки, кимёвий ўғит маҳсулотлари тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш, инвестиция киритиш ҳақида, ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмагандек. Бинони Ўзбекистон телерадиокомпанияси Жиззах вилояти филиали мухбирлари келиб тасвирга олишган ва эфирга аввал Жиззах телевидениесида, сўнг "Yoshlar" телеканалида узатилган лавҳалар ёзилган дискни кўриб ҳам шу хулосага келдик.

Шунга қарамай, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан ёзилган 2019 йил 15 апрелдаги Мирзачўл тумани ҳокими қарорини бекор қилиш тўғрисида расмий хати яна эътиборсиз қолдирилгач, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилояти филиали мазкур ишни яна вилоят маъмурий судида кўриб чиқиш учун тақдимнома киритган. Аммо Мирзачўл, Пахтакор туманлари ҳамда вилоят маъмурий судларида 2020 йилнинг январь-февраль ойларида уч марта кўрилган, ҳалигача якуний хулосага келинмаган иш буёғига нечоғли ҳал қилинади, буниси ҳам номаълум...

Баҳодир Ҳошимов билан суҳбатлашганимизда, у: "Кейинги пайтларда туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари менга нисбатан ноҳолис муносабатда бўлишмоқда. Мен йўғимда бир неча бор уйимга келиб, оила аъзоларимни ҳам безовта қилишмоқда. Ўтган йил сентябрь ойида автобусда бир нотаниш аёл билан гап талашиб қолгандим. Шуни баҳона қилиб, 2020 йил февралнинг бошида туман ИИБга чақириб, 12 кун қамаб қўйишди", — дейди. Унинг адвокати Р.Тошбулов: "Воқеа 2019 йил сентябрь ойида бўлган, агар норози томон шикоят қилса, 15 кун ичида кўриб чиқилиши керак эди. Орадан олти ой ўтиб яна бу масалага қайтиш кимга керак бўлди, шунисини билолмадик", деди.

— Бундан ташқари, менга нисбатан ноҳолис муносабатда бўлган Пахтакор тумани жиноий суди 2013 йил 3 июлда ЖКнинг 237-моддаси, 5-қисми билан мени айбдор топиб, 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаган эди. Вилоят жиноий суди эса аппеляция инстанциясида кўриб чиқиб, суд ажримини ўзгаришсиз қолдирди. Ахир Олий суд пленумининг 19 декабрь 2003 йил "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида "Шахс амалда ушланган (қўлга олинган) пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Шу туфайли унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас", дейилган. Лекин менга адвокат олишимга рухсат беришмаган. Қўйилган айб ҳам сунъий, яъни асоссиз эди. Ҳимоя ҳуқуқимнинг бузилиши суднинг барча қарорларини бекор қилишга асос бўлади, — дейди Б.Ҳошимов. — Мана энди судма-суд юрибман, ҳақиқат бўлса, албатта, оқланишим керак.

Мазкур судга оид ҳужжатлар билан танишганимизда, воқеани кўрган-билган гувоҳлар бўлса-да, судга улар тўлиғича чақирилмасдан ажрим чиқарилгани ҳам шубҳали туюлди.

Албатта, оммавий ахборот воситалари мазкур масала юзасидан қарор чиқарадиган ташкилот эмас, биз қарор чиқариш ваколати берилган идораларга, чуқурроқ ўйлаб кўришлари учун, эслатма бўлсин деб юқоридагиларни ёздик. Ахир давлат, ҳукуматнинг қарор ва фармонларини қуйи тизимлар шаффоф бажармаса, бошқалардан нимани кутиш мумкин...

Сўзимиз сўнггида яна шуни қўшимча қилмоқчи эдикки, Б.Ҳошимов бир неча йилдирки, турли идораларга шикоят, арз билан мурожаат қилиб келмоқда. "Мен тадбиркорман, аммо туманимизда ҳеч ким менга ёрдам бермаяпти", — дейди у куйиниб.

Туман мутасаддилари шу инсон учун вақт ажратиб, уни қийнаётган масала ва муаммоларни атрофлича ўрганиб, холис бартараф этишга кучи етмайдими? Ёки бунинг иложи йўқми? Ё уларнинг бунга хоҳишлари йўқми? Бизнингча, кейингиси ҳақиқатга яқинга ўхшайди...

Юсуф ХУДОЙҚУЛОВ.

ТАРБИЯ

Ҳар қандай тақлиднинг замирида шахснинг ўзлигини англамаслиги ётади. Шахснинг ўзлигини англамаслиги замирида эса илмсизлик ётади.

Қуш уясида...

Бугунги кунда давримизнинг ижтимоий-маънавий муаммоси бўлган «оммавий маданият» хуружи айнан қаердан келиб чиқди?

Ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг дунёқарашлари қаёққа қараб кетаётганлиги ва уларнинг кимларга эргашаётганлиги бугунги кунимизнинг энг муҳим, энг долзарб, энг оғриқли муаммосидир!

Ёшларимизнинг "оммавий маданият" таъсири остида бузилиш ҳалокатида турган маънавий қиёфасида биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Машҳур немис шоири ва донишманди Гёте айтадики: "*Миллатни қутқариш учун аслида кўп нарса керак эмас. Ота-она ва ўқитувчи кифоя қилади холос*". Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади. Шу бугунги кунда "оммавий маданият" хуружига йўлиққан бу телба-тескари оқимда оқинга учраган хасдек, ночор аҳволга тушган бугунги айрим ёшлар — ўспирин йигитчалар, ўсмир қизалоқлар бошқа сайёралардан келиб қолмаганлар-ку?

Улар айнан бизнинг кўз ўнгимизда улғайиб шу аҳволга тушмаяптиларми?

Демак, уларнинг руҳиятидаги маънавий бўшлиқни бизнинг тарбиямиз эмас, "оммавий маданият" ўз саёз жозибаси билан тўлдирган экан, бунга биз айбдормиз. Қадимги Ўрхун-Энасой битикларида: "*Боланг айтганингни эмас, қилганингни қилади*", деб битилган экан. Демак, бизнинг кичик хатоларимиз ҳам, уларга катта ўрнак бўлади. Тўйларда ўзини билмайдиган даражада ўлардек ичиб, раққоса билан минг муқомда буралиб ўйнаётган ширакайф ота, қандай қилиб ўғлига одобдан сабоқ бера олади? Уйда, кун бўйи олди-қочди сериалларни томоша қилиб, кечгача телефон ва ғийбатдан бўшамайдиган, кечқурун эса ишдан чарчаб келган эри билан шанғиллаб, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, беҳаё ҳақоратлар билан уришадиган она қизига ҳаёдан ўрнак бўла олади деб айта оламизми? Ҳар бир миллатни миллат қиладиган, унинг миллий қиёфасини, миллий бутунлигини таъминлайдиган улуғ қадриятлари бўлади. Шу қадриятларга дарз кетгач, миллатнинг руҳи ичдан емирилади. Ўша миллий руҳни, ўша миллатнинг руҳий қиёфасини таъминлайдиган миллий қадриятларни ёшларнинг онгига дарз етказмасдан сингдириш бизнинг энг аввало ота-оналар ва ўқитувчиларнинг фидойилигига боғлиқ.

Яқинда, "facebook" ижтимоий тармоғида 17-16 ёшли қизлари бор уй бекаси бўлган онанинг турли хил кўриниш ва ҳолатдаги суратларига кўзим тушди. "Мен селфи қилишни севаман", деган мазмундаги суратларга қараб туриб, юрагимни аччиқ бир ўй тирнаб ўтди. Ўзини минг кўйга солиб, суратга тушаётган (яъни ўзининг ибораси билан айтганда, "селфи қилаётган") бу она қизларига: "селфи қилманг", деганда ҳам шу онанинг қизлари бировга қулоқ соладими?

Мана сизга масаланинг оғриқли нуқтаси. Балоғатга етиб-етмаган қизалоқларнинг ўта шахсий ҳудуди бўлмиш ётоқхоналарида туриб, барча-барчага ҳавоий ўпичлар йўллашларида селфини яхши кўрадиган онажонларининг ҳиссаси йўқ дея оламизми? Яқинда, ижтимоий тармоқларда Венгрияда 16 ёшли бир ўсмирнинг жуда катта тезликда кетиб бораётган поезд устига чиқиб селфи қиламан деб тириклайин ёниб кетгани ҳақида ўқидим. Бугунги кун ўсмирларининг деярли кундалик турмуш тарзига айланиб улгурган селфи деган бекорчи бемаъниликларига ўз вақтида ёндашиб соғлом нуқта қўймасак, бу одат бориб-бориб улкан фожиаларни келтириб чиқаради. Том маънода соғлом, маънан баркамол фарзандлар соғлом оилаларда тарбияланади.

Соғлом ва маънан етук фарзандларни, маънан етук ота-оналар дунёга келтирадилар. Соғлом руҳиятни соғлом муҳит шакллантиради.

Соғлом муҳитни эса биз шакллантирамиз, яъни, шу жамиятнинг ҳар бир онгли фуқароси соғлом муҳит шаклланишига ўз ҳиссасини қўшиши шартдир. Аслида муҳит бу бизнинг ўзимиз, бизнинг оламга бўлган муносабатимиздир. Бизнинг жамиятга ўтказадиган маънавий-ахлоқий таъсиримиз ҳам муҳитдир!

Айтиш мумкинки, ўз оиласини ташқи салбий таъсирлардан кучли маънавий-ахлоқий қадриятлар мезони билан ҳимоялаб, соғлом бошқарган ота-она ўзига тириклик чоғидаёқ ҳайкал яратган буюк меъмордир.

Ҳазрат Навоийнинг:

Ранж кўрмай киши топарму фароғ,
Бағри ўртанмайин ёнарму чироғ.
Тухум ерга кирдию, чечак бўлди,
Қурт жондан кечиб, ипак бўлди.

Ҳар қандай вазиятда сусткашликка йўл қўйсак, бунинг ҳам жазосини олмай қолмаймиз. "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақл бежизга айтилмаган! Токи биз катталар ўз маънавий оламимизда "оммавий маданият"га қарши кураш иммунитетини шакллантирмас эканмиз, ёшларимизни бу хуруждан мутлақо асраб қололмаймиз. Шундай экан, "оммавий маданият"га қарши миллий қадриятларимизга асосланган юксак маънавият билан курашмоғимиз зарур.

Ўролбек ЧУТБОЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Яккасарой туман кенгаши "Ёш адолатчи"лар қаноти раиси.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

БАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ НИҚОБ

Хитойда янги турдаги ҳимоя ниқоби ишлаб чиқарила бошланди.

Тажрибалар шуни кўрсатяптики, ушбу ҳимоя воситаси инсон организмини бир қатор патоген бактериялардан, шунингдек, қуш гриппи, H3N2 вирусларидан ҳимоя қилади.

Микробиология институти мутахассиси Лян Цзячаонинг фикрларига кўра ушбу ниқоб ҳар куни 8 соатдан тақилса, организмни 95 фоиз бактериялардан ҳимоя қилади. Битта ниқобнинг яроқлилик муддати тўрт кундир.

СЕНА ТОШҚИНИ

Кеча Франция пойтахтидаги Сена дарёси бўйидаги барча истироҳат боғлари ёпилди.

Бунга кучли ёмғир ёғиши ва дарёнинг ўз қирғоқларидан тошиб кетиши сабаб бўлди. Сув сатҳи 4 метру 20 сантиметргача кўтарилган. Бунинг натижасида барча бандаргоҳ ва йўлаклар сув остида қолган.

Шаҳар расмийлари 1910 йилдаги январь тошқини қайталаниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда. Ушанда Сена сув сатҳи 8 метру 62 сантиметргача кўтарилиб, шаҳардаги жуда кўп жойлар талафот кўрган экан.

ПАСТЛАЁТГАН НЕФТЬ НАРХИНИНГ ВАҲИМАСИ

2020 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, Россия Миллий фаровонлик жамғармасининг ликвид активлари ҳажми 10,1 трлн. рубль (жорий курсда $149,6 млрд.)ни ташкил этади.

Ушбу маблағ нефть нархи $25 – $30 лик коридорда бўлганида 6-10 йиллик зарарларни қоплашга етади деб ёзмоқда ТАСС, Россия молия вазирлигига таяниб.

Хабарда айтилишича, фонднинг ушбу активлари давлатнинг барча мажбуриятларини бажариш ва нефтнинг паст нархлари билан макро барқарорликни таъминлаш кафолати ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳамда транспорт оқимининг пасайиши энергияга бўлган талаб пасайишининг кутилиши Urals баҳосидаги нефть нархининг белгиланган базавий даражадан тушишига олиб келди, деб ҳисоблайди мамлакат молия вазирлиги.

БАРЧА КАРАНТИНДА

Исроил ҳукумати мамлакатга хориждан келувчи барча фуқаролар 14 кун давомида карантинда сақланишини маълум қилди.

Исроилда коронавирус билан касалланганлар сони 42 кишига етгандан сўнг ушбу қарор қабул қилинган.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Мош Бар Симан Товнинг қўшимча қилишича, карантин режими Исроил ҳудудига кириб бўлган фуқароларга тааллуқли эмас.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 112 427 киши коронавирус билан касалланган. Хитой Соғлиқни сақлаш бўйича давлат қўмитаси коронавирус энг камида 2020 йилнинг июнь ойига қадар давом этишини маълум қилди.

ОЙ ЕР МАРКАЗИГА ЖУДА ЯҚИНЛАШДИ

Кеча беларуссияликлар ой тўлишининг, яъни супер ойни томоша қилишди.

Ой бу пайтда Ер марказига жуда яқинлашган. Бу 357 минг километрдан кўпроқ масофани ташкил этади.

Супер ой — бу тўлин ой ва сунъий йўлдошнинг Ерга максимал яқинлашиши мос келадиган ноёб лаҳзадир. Шунинг учун қамарий диск бизга катта ва ёрқин кўринади. Бу йилда ушбу каби космик тасодифлар мутахассисларнинг айтишича, яна 8 апрель ва 7 май кунлари рўй беради.

ДОНАЛЬД ТРАМП МОСКВАГА БОРМАЙДИГАН БЎЛДИ

Олдинроқ АҚШ президенти 9-май байрами муносабати билан Москвага бориш истагини билдирган эди.

Энди эса 9-май куни Иккинчи жаҳон уруши тугашининг 75 йиллигини нишонлаш учун Москвага бормаслигини маълум қилди. Бу ҳақда 10 март куни Кремль вакили Дмитрий Песков хабар берди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг ноябрь ойида Дональд Трамп 9 май куни Ғалаба кунини нишонлаш учун Москвада бўлишни хоҳлаганини айтган эди. Бироқ, АҚШ президентининг бу хоҳиши амалга ошмайдиганга ўхшайди.

Интернет хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

Эълон

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан 1990 йил 1 августда 3098 қайд рақами билан Жамалиддинова Наргиза Исамиддиновнага берилган № 212771 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан Эркинов Фазлиддин Фахриддин ўғлига 2018 йил берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва "Hurriyat" мустақил газетаси таҳририяти жамоалари таниқли шоир, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси **АЗИМ СУЮН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши, тараққиёти банк тизимидаги молиявий барқарорликка узвий боғлиқ экани ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳаммамизга яхши таниш.

2019 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалардан бири деб банк ва молия тизимида ислоҳотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий инновацион ёндашувларни кенг жорий этиш вазифаси белгиланган эди. Бу борада ўтган йилда дадил қадамлар қўйиб бошланган бўлса, жорий йилда ҳар бир банк ўзининг тамоман янги механизмлари билан мижозларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Бугун барча банклар қатори "Туронбанк" АТБ ҳам рақамли тизимни янада кучайтиришни, банк амалиётларида инсон омилини камайтириш орқали хизматлар шаффофлигини таъминламоқда. Чунончи, яратилаётган қулайликлар карвони, масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, жозибадор кредит турлари мижозларнинг оғирини енгил қилаётган бўлса, банкнинг замонавий хизмат турларини намоён этмоқда.

2018 – 2019 йиллар давомида "Туронбанк" АТБ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш" дастури бўйича 22 та лойиҳага 11,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ажратди.

Туронбанк хизматлари:

МИЖОЗ ҲАМ, БАНК ҲАМ, ХАЛҚ ҲАМ МАНФААТДОР

Гўшт арзон бўлсин, дейсизми?

унда "Туронбанк" АТБ хизматларидан фойдаланинг!

Ҳа, чорвачилик соҳаси асрлар давомида Марказий Осиё халқларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Сабаби, ривожланишнинг ўтиш даврида кўплаб тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, одамларнинг қўшимча даромад олиш имкониятлари чекланган мураккаб йилларда ушбу соҳа қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлиги даражасини барқарор сақлаб туришга салмоқли ҳисса қўшди. Бозор иқтисодиёти механизмлари фаоллашиб, озиқ-овқатга талаб ортиб бораётган ушбу кунда мазкур тармоқ самарадорлигини ва рақобатдошлигини янада оширмоқда.

Сўнгги пайтларда республикамиз кенг жамоатчилиги орасида гўшт нархларининг кўтарилиши билан боғлиқ вазият фаол муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Мазкур масала юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилиниши, кўрсатувларнинг эфирларга узатилиши, ижтимоий тармоқларда баҳс-мунозаралар олиб борилиши шулар жумласидандир. Бу эса ҳар бир фермерни, ҳар бир тадбиркорни янада фаолроқ бўлишга ундайди. Қолаверса, уларнинг йўлини тўппа-тўғри "Туронбанк" АТБ томон йўналтиради.

Янада ривожланган чорвачилик ва янада оммалашаётган хизматлар

Мамлакатимизда ҳам барча соҳалар қатори чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, халқимизни арзон ва сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни шу соҳада фаолият олиб бораётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларда озуқа базасини кўпайтириш, наслчиликни яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашни эса давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари кечиктириб бўлмас вазифа сифатида белгиламоқдалар.

Буни мазкур йўналишни тараққий эттиришга қаратилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори сўзимизга исбот бўлиши мумкин. Унда қорамол боқиб, халқимиз дастурхонига сифатли ва тўйимли маҳсулот етказиш мақсадида бўлган ташаббускорларга ҳар томонлама кўмак бериш энг устувор вазифа сифатида келтирилган.

Энди фермернинг бир оёғи далада, иккинчиси банкда эмас!

Йўғ-эй деяпсизми, ишонаверинг, шундай. Чунки бу борада "Туронбанк" АТБ ўз хизматлари шаффофлигини таъминламоқда. Ўзининг жозибадор кредитлари, замонавий ва масофавий хизматлари билан тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Хусусан, Андижон вилояти Олтинкўл туманида 2017 йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келаётган "Темирмалик бўрдоқичилик" фермер хўжалиги ҳам ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида банк билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ишбилармон Дониёрбек Мамажоновнинг сўзларига кўра, айни пайт 1 гектар майдонда "Қозоқ Оқ тоши" наслидаги 100 бош қорамол боқилаётган бўлиб, умумий ҳисобда йилига 200-300 тоннадан зиёд гўшт маҳсулоти олиниши режалаштирилган. Банкдан кредит олишдан асосий мақсад эса яна минг бош шу турдаги қорамолни олиб келишдир.

Жозибадор кредитлар

Фермер ё тадбиркор билан суҳбатлашар экансиз, кредит ололмай, банкма-банк чопиб юрилган кунларни тарих сифатида эслашади. Чунки бунинг тарихга айланиб бўлгани рост. Бугун эса нафақат банклардан кредит олиш шаффофлашди, балки мижозлар учун бу борада тобора қулай ва тезкор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилмоқда. Буни эса банк хизматларидан мамнун фермернинг сўзларидан уқиш мумкин.

— Яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда биз ҳам фермер хўжалигимиз қорамолларининг сонини яна мингтага кўпайтириш, маҳсулдорлик сифатини ошириш, наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш мақсадида "Туронбанк" АТБга 115 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш учун мурожаат қилдик. Ҳозирда керакли ҳужжатларни тайёрлаяпмиз ва яқин кунларда молиявий кўмакни олиш ниятидамиз, дейди "Темирмалик бўрдоқичилик" фермер хўжалиги раҳбари Дониёрбек Мамажонов.

Чорвани оила баракаси, дейишади. Чиндан ҳам, ҳовлисида ҳатто битта соғин сигири бор рўзғорнинг дастурхони файзли, қўшимча даромадли бўлади. Шу боис юртимизда чорвачиликни ривожлантириш, бу борада тадбиркорликни йўлга қўйишга устувор аҳамият қаратилиб, биз каби ташаббускорларга катта имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, зотли чорва молларини харид қилиш, уларни кўпайтириш ва бу орқали аҳолини арзон, сифатли гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда кенг йўл очилмоқда.

Ўзбекистон чорвачиликда импортёрмас, экспортёр бўлади

бунда "Туронбанк" кўмакчи

Шу ўринда қўшимча қилиш керак, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, ўтган 2019 йилда амалга оширилган лойиҳалар доирасида мамлакатимизга чет давлатлардан 145 минг бошдан зиёд қорамол (шундан, 30 минг боши наслли), 217 минг бошдан зиёд қўй ва эчки олиб келинган. Ушбу чорва ҳайвонларининг бир қисми аҳоли дастурхонларига гўшт маҳсулотлари сифатида тақдим этилган бўлса, қолган қисми фермер хўжаликларида парваришланиб, кўпайтирилмоқда. Келгусида чет эл давлатларидан қорамол импорт қилиш ҳажмини қисқартириб, ўзимизда парваришланаётган зотли моллар плем ядросини яратиш, яъни зотли, маҳсулдор қорамолларни маҳаллий шароитда кўпайтириб, Ўзбекистонни чорва соҳаси бўйича импортёр давлатдан экспортёр мамлакатга айлантириш режалаштирилмоқда.

"Туронбанк"нинг 22 та лойиҳаси

2018 – 2019 йиллар давомида "Туронбанк" АТБ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш" дастури бўйича 22 та лойиҳага 11,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ажратди.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган бу ишларнинг замирида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бозорларимизда сифатли ва фойдали гўшт маҳсулотларининг таннархини мақбуллаштириш каби эзгу мақсадлар мужассамдир. Бу жараёнларда эса "Туронбанк" АТБ тадбиркорларга яқиндан беминнат кўмак беришга доим тайёр.

"Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича "ўз аравасини ўзи тортиши" керак. Шундагина бозор шароитига мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади", — деган эди Президентимиз банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда. Унда банкларнинг мижозга йўналтирилган, аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган хизматларини кўпайтириш ҳамда кредитлаш тартибини соддалаштириш бўйича топшириқлар берилган, шунингдек, онлайн ва мобиль алоқа орқали хизмат кўрсатиш, чет элларда кенг тарқалган «скоринг» ва автоматлаштирилган модулли кредит ажратиш тизимини кенгайтириш зарурлиги қайд этилганди.

Белгиланган устувор вазифаларга қатъий амал қилган ҳолда дадил қадам ташлаётган "Туронбанк" АТБ ҳам ўз фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш билан бирга глобаллашган даврга замонавий хизматлар кўринишида жавоб бермоқда. Тилга олганимиз банкнинг хизматларидан бир парча, холос. Аслида бу ерда лойиҳалар, инновацион ёндашувдаги хизмат турлари, халқаро миқёсдаги банк мутахассислари билан тажриба алмашиш асосида банкка халқаро андазаларга мос онлайн хизматларнинг жорий этилаётгани ҳаммани мамнун этади.

Банк Ахборот хизмати.

Ўтган 2019 йилда амалга оширилган лойиҳалар доирасида мамлакатимизга чет давлатлардан 145 минг бошдан зиёд қорамол (шундан, 30 минг боши наслли), 217 минг бошдан зиёд қўй ва эчки олиб келинган. Ушбу чорва ҳайвонларининг бир қисми аҳоли дастурхонларига гўшт маҳсулотлари сифатида тақдим этилган бўлса, қолган қисми фермер хўжаликларида парваришланиб, кўпайтирилмоқда. Келгусида чет эл давлатларидан қорамол импорт қилиш ҳажмини қисқартириб, ўзимизда парваришланаётган зотли моллар плем ядросини яратиш, яъни зотли, маҳсулдор қорамолларни маҳаллий шароитда кўпайтириб, Ўзбекистонни чорва соҳаси бўйича импортёр давлатдан экспортёр мамлакатга айлантириш режалаштирилмоқда.

Хизматлар лицензияланган

Реклама ҳуқуқи асосида

ШЕЪРИЯТ

Ойни севаман деб чўздим қўлимни

Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ

Муҳаммад Сиддиқ Раҳматов – 1972 йил Андижон вилояти, Бўз туманида таваллуд топган. “Юрт соғинчи”, “Ишқ бекати”, “Пастлаб учган турналар” номли шеърий китоблари чоп этилган. Олий адабиёт курсида таҳсил олган.

* * *

Отам бизни сизлаб-сизлаб чақирарди,
Чорламаган сира баланд хитоб билан.
Отам бизга кўп насиҳат қилгани йўқ,
Ошно этиб қўйган фақат китоб билан.

Саккиз жонмиз, саккиз нафар полапонмиз,
Уйгонарди отам қушдек офтоб билан.
Жума куни битта нонни кам оларди,
Лекин қайтган қўйнида зўр китоб билан.

Оми дебман мен отамни ўқимаган,
Дилим эзар бу сўз бугун азоб билан.
Ўзим оми, асли менинг олим отам,
Кўзим очган экан мени китоб билан.

Қандай гўзал эртак эди ўшал дамлар,
Солиштиринг болаликни шу топ билан.
Болангизни бошин силанг бир сўз демай,
Юрагингиз тўкиб-солинг китоб билан.

Отам бизни сизлаб-сизлаб чақирарман,
Чорламасди сира баланд хитоб билан.
Отам бизга бор ҳаётни ўргатдилар,
Мўъжазгина тирик достон китоб билан.

* * *

Хоналарга
сиғмай қолдим,
ҳовлидаман,
Ёғолмайин турган ёмғир
ҳолидаман.
Чақмоқ чақар, тутаяпман
ўт олмайман,
Ўз хаддимдан ўзим хатлаб
ўтолмайман.
Булутларни сурув каби йиғар
шамол,
Ёришмайди ёқиб кўргин дилга
шам, ол.

Ана, ёмғир, энди кўнглим
ёзоламан,
Ҳайрият-ей энди недир
ёзоламан.

* * *

Ойни севаман, деб чўзаман қўлим,
Миллион юлдуз муштуни тугар.
Яхшиям осмонга тушмайди йўлим.

* * *

Ёмғирдан қўрқмайман,
ёмғир кўз ёшим.
Қуёшдан қўрқмайман,
кўнглимга яқин.
Қўрқмайман гумбурлаб
кетганда осмон,
Дилим ёришади
чаққанда чақин.

Ҳисларим гулбаргин
учириб ўйнар,
Қўрқаман бехосдан
эсганда шамол,
Яна, остин-устун
қилган дунёим,
Энг ёмон қўрққаним
ул пушти рўмол...

* * *

Кипригингда музлайди
кўз ёш,
музлаб борар
юрагимда тош.
Дунё аста музга қўмилар,
Музлар илинж, музлайди бардош.
Музлар ичра гўзал малагим,
қандай гўзал музлар суруринг.
Фақат, айтгил бунча чидамли,
музламайди нега гуруринг?

* * *

Бугун, қоқ туннинг ярмида
уйгониб кетдим.
Пайпаслаб кўзойнагимнимас
ёшлигимни
қидираётганимни
сезиб қолдим.

* * *

Бекатда кўрдим сени,
юрак доғим юзингда.
Ҳаётим, демоқчийдим,
титраб, титраб лабларим
бўлиниб учди сўзлар,
ҳа, ётим,
ҳа, ётим...

Чўчитиб юбормай киприкларингни

Муҳаммад СИДДИҚ

Муҳаммад Сиддиқ – 2000 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманида туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтида ўқиш билан бирга, “Тошкент ҳақиқати” газетасида хизмат қилади.

ЭҲТИЁЖ

Руҳим паноҳ билса юрак қаъ рингни,
Ҳайёмнинг жомида тўлгонгандек май.
Чўчитиб юбормай киприкларингни,
тушларингга кириб борсам сездирмай.

Яшасам умримни сочингга буркаб,
Ўйларинг рангида бехуш қарисам.
Қоялар қунжидан бир кафт сув тараб,
ҳорғин қушларингга тутсам, фаришатам!

Кўнглингга чуқурроқ етганим сайин,
хотиржам дунёдан воз кечиб кулсанг.
Меҳр-ла жонимни олса Азройил,
Сенинг хаёлларинг шаклида ўлсам!

Тайёрман – бу тунда ишқингни куйлаб,
Нигоҳинг тубида уйгонсам басир.
Розиман,
қисматим бир нафас сийлаб,
Кўзларинг рангида битса Мусаввир...

* * *

Қаҳратон қўйнида
чилла сақлашга
шарпалар тутоқиб чиқди ўйимдан.
Мен ҳарчанд уринмай ўзни оқлашга,
муқаррар – гуноҳим тушмас бўйнимдан.

Ҳали бошим узра тарқамас туман,
товоним тилса-да яшил майсалар.
Айни дам
тўкилиб йиғламоқчиман...
Дарахтлар қонимни ичиб тўйсалар!

Қанийди,
хумордан чиқсам, бехато
муштимни дуч келган деворга урсам.
Кўзимни очсаму бўлсайдинг пайдо,
Барини унутсам – бир Сени кўрсам.

* * *

Панжара шаклидан
метин иродам –
юзарки, бу уйқу ичиндан Ҳаддим.
Руҳимни сиқувга олар зироат,
ҳарчанд парчалашга етар қудратим!

Айланар
бошимда дақиқ эркинлик,
Айланар табассум ботқоғига мунг.
Умр нима,
Ўлим?
Қайга беркитдик,
қани, яшалиши зарур бўлган Кун?!

* * *

Кетаркан сувратинг ўнгимдан хушбахт,
лаҳзалар измидан чиқдим устувор.
Соянгга эврилдим –
айландим қушга,
пойингга суриниб куйладим такрор.

Келаркан нафасинг –
оҳангга тўлдим,
муанбар ифорга қовушдим – шараф!
Чорасиз узлатдан кўринди йўлим
ва ёруғ қисматга бўлдим мушарраф.

Бари гўзал эди, на-да борлиқ кенг!
Кузатдим, тўкилиб йўлсиз ирмоққа.
Наҳот, Сендан кечмоқ...
ўлим билан тенг?
Жазм этгил, қайтмоққа – тирилтирмоққа.

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

Рақамли иқтисодиёт ҳақида, унинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишдаги аҳамияти хусусида кўп гапириляпти. Хўш, рақамли иқтисодиёт нима ўзи? Мутахассислар фикрича, рақамли иқтисодиёт — бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими. Яъни, у ҳар бир соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, юртимизда жорий йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, дея ном берилгани бежиз эмас, албатта!

XalqBanki

Янгиланаётган Халқ банки: Рақамли иқтисодиёт, онлайн хизматлар, ишончли алоқалар

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида аксарият амалиётлар рақамли тарзда олиб борилади, шу жумладан, акциядорлик тижорат Халқ банкида ҳам. Аммо бугунги давр рақамли тизимни янада кучайтиришни, банк амалиётларида инсон омилини камайтириш орқали шаффофликни таъминлаш ишларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис, сўнгги пайтларда Халқ банкида ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, мижозлар манфаати ва замон талабига мос хизматлар жорий этилмоқда. Яъни, банк жамоаси мижозларга янада яқин бўлиш, уларни онлайн хизматлар билан таъминлаш ҳамда ўзаро ишончга асосланган алоқаларни янада мустаҳкамлашни ўз олдига устувор вазифа сифатида белгилаб олган. Жумладан, мавжуд 879 та банкомат 1 200 тага етказилади. 44 та “Банк хизматлари маркази” сафига яна 45 таси қўшилади. Бу, ўз навбатида, “Банк хизматлари маркази” ва банкоматларда навбат кутишларни камайтириб, одамларга янада қулайлик яратади. Хизмат кўрсатиш сифатини оширади.

Шунингдек, **янги хизмат турлари кўпайтирилиб, ҳозирги ҳар бир мижозга тўғри келаётган ўртача 1,3 та хизмат 3 тага етказилади.** Иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида бугунги кунда пенсия тарқатиб келаётган сайёр кассалар орқали коммунал *(электр энергияси, газ, сув)* ва бошқа турдаги чакана тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилади. Бу бюджетга тушадиган тушумларнинг кўпайишида ҳам асқотади.

Шунингдек, филиалларда мижозларни кутиб олиб, дастлабки маълумотларни берувчи “Ресепшн” ҳамда мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи “Чакана хизматлари бўлими” ходимлари учун “Бонус” тизими жорий қилинмоқда. Бу орқали ходимлар фаолияти нафақат рағбатлантирилади, балки масъулияти ҳам ошади. Қолаверса, сифатли хизмат кўрсатилишига эришилади.

“Режали тўлов” картаси бўйича ҳамкор ташкилотлар сони 20 тадан 40 тага оширилади. Айнан “Режали тўлов” картаси ёрдамида аҳолининг маиший техника ва мебель жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир йил муддатга, фоизсиз қарз маблағи ажратилади. Айтиш жоизки, ҳозир ушбу лойиҳа доирасида “Медиапарк”, “Техномарт” каби йирик маиший техника савдо тармоқлари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

ЭНДИ 24 СОАТ ҚЎНҒИРОҚЛАР ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

“Xalq mobile” мобиль иловасининг янги версияси жорий қилинади ва унинг афзалликларини мижозларга тарғиб қилган ҳолда фойдаланувчилар сонини 34 мингдан 1,5 миллионга етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, чакана хизматлари кўрсатиш йўналишидаги мижозларга мўлжалланган “Интернет банкинг” хизмати йўлга қўйилади. Албатта, бу борада ходимлар малакасини ошириш, мижозларга масофавий хизмат кўрсатиш кўникмасини шакллантириш кўзда тутилган.

Узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш учун Жиззах шаҳрида “Call center” — мижозларга хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда эса банк ходимлари томонидан мессенжер, телефон, видеоалоқа ва ижтимоий тармоқлар орқали мижозларнинг мурожаатлари қабул қилиниб, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилади.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилаётган ушбу хизмат туфайли 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда илк бор Халқ банки томонидан жорий қилинаётган “Call center” юртимиздаги мавжуд алоқа марказларидан тубдан фарқ қилади. Ушбу “Call center”да иш дастлабки босқичда 12 соатлик, кейинги босқичда эса туну кун — 24/7/365 режимида ташкил этилади. Бу орқали мижоз тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб, эҳтиёжларни олдиндан аниқлаш орқали автоматлаштирилган маркетинг ва прогнозлаштирилган сотувлар амалга оширилади ҳамда мижозларга янги банк хизмат турлари таклиф этиб борилади.

Халқаро тажрибада, жумладан, АҚШ ва Европа банклари ўз маҳсулотларининг қарийб ярмини айнан “Call center”лар орқали сотади. Яъни, ушбу тизим хориж банкларининг ярим даромадини таъминлаб беради. Шу боис ҳам хориж тажрибаси чуқур ўрганилган ҳолда Халқ банки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бутунлай янги форматдаги “Call center”ни ишга туширмоқда.

Кўриб турганингиздек, жорий йилда Халқ банки томонидан аҳоли эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда 10 та янги хизмат тури жорий қилинмоқда. Бу хизмат турлари, биринчи навбатда, жамиятимизда ижтимоий муаммоларни

бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

“СМАРТ ОФИС” ДЕЙСИЗМИ?

Қулайлик дегани шундай бўлибди-да...

Мижозларга янада яқин бўлиш — Халқ банкининг яна бир устувор йўналишларидан биридир. Бунда туманларда қўшимча 45 та “Банк хизматлари маркази” ташкил этилади.

Шаҳарларда аҳоли салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, инновацион ва технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 30 та автоматлаштирилган тўлов қабул қилиш машинаси (АДМ)лар ўрнатилади. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида мустақил ўрганиш бўйича ўқув материаллари ва видеороликлар тайёрланади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 360 та банкомат ўрнатилади ва 15 та “Банк хизматлари маркази” ва 5 та “Смарт офис”, яъни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш офисларини ташкил этиш орқали янги хизмат кўрсатиш каналлари кенгайтирилади.

ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИ

2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси ва молиявий ҳамкорига айланиш банкнинг яна бир асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик марказларини ташкил этган ҳолда, уларга молиявий ва юридик маслаҳатлар берилиб, консалтинг хизматлари кўрсатилади, молиявий саводхонлиги оширилади. Шу билан бирга, бизнес-режалар ишлаб чиқишда ёрдам берилади ёки тайёр бизнес-режалар билан таъминланади.

Янги, жозибадор кредит турлари жорий қилинади ва “Скоринг” тизимидан фойдаланган ҳолда кредит ажратиш жараёни тезлаштирилади. Кейинги босқичда мижозларимиз бўлган тадбиркорларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш ва корпоратив мижозга айланишига кўмаклашиш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшилади.

Тадбиркорликни ривожлантиришда давлат дастурларини амалга оширишда “Кредит конвейери” асосида кредитлар ажратилади. Инсон омилини камайтирган ҳолда, онлайн ҳужжатлар қабул қилиш йўлга қўйилади. Айни чоғда “Андеррайтинг” тизими орқали кредит ажратиш муддатлари қисқартирилади.

Шу билан бирга корпоратив бизнесни ривожлантиришда индивидуал ёндашув йўлга қўйилади. Бунда 5-10 та корпоратив мижозга биттадан масъул менежер бириктирилади. Мижозларга индивидуал ёндашиш орқали ихтисослаштирилган ва инновацион банк хизмат турлари таклиф қилинади. Уларнинг молиявий ҳолати чуқур ўрганилган ҳолда ўз вақтида зарур молиявий ресурслар билан таъминланади.

Умуман олганда, Халқ банкини трансформация қилишда 4 та устувор йўналиш — чакана хизматларни кенгайтириб, бозорни қамраб олиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корпоратив бизнесни ривожлантириш, инвестицион фаолиятни ташкил этиш белгилаб олинди.

Хизматлар лицензияланган

Халқ банкининг бошқа банклардан устунлиги мамлакатимизнинг барча ҳудудида филиаллари мавжудлигидадир. Мана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатилаётган янги хизмат ва маҳсулотлар тури кўпайтирилади. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва трансформация қилишда жаҳоннинг етакчи ташкилотларидан ғазначилик, риск, бухгалтерия ва инсон ресурсларини бошқариш *(HR)* йўналишлари бўйича малакали мутахассислар, консультантлар жалб қилинмоқда.

Айни пайтда жаҳоннинг етакчи банкларида трансформация жараёнларини амалга оширган Аҳмед Танвир Халқ банкининг Ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш департаментида иш бошлади.

Ҳозирда дунёнинг молия соҳасидаги катта тажрибага эга нуфузли мутахассисларини жалб қилиш борасида Халқ банки фаол музокаралар олиб бормоқда.

ХАЛҚ БАНКИ – ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ МУАССАСАГА АЙЛАНСА...

Шуни айтиш керакки, Халқ банки узоқ йиллик тажрибага эга молия муассасаси ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда ривожланиш шиддат билан кечмоқда. Мана шундай шароитда банклардан ҳам шароитга мос тарзда ривожланиш талаб этилади. Шуни инобатга олган ҳолда 2020 йилда ахборот-технологияларини жорий қилиш орқали банкнинг ягона корпоратив тармоғини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, “IP телефония” тизимини жорий қилиш ҳамда маълумотлар базасини сақлаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган сервер қурилмаларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон стандартлари талабларига мос дастурий тизимларни Халқ банки фаолиятида қўллаш орқали замонавий рақамли банкка айлантириш мақсад қилинган.

Буларнинг бари, табиийки, янгиланаётган Халқ банкининг халқ орасига янада чуқурроқ кириб бориб, мижозлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайишига ҳамда мамлакатимиз банк-молия соҳасининг рақамли тизимга ўтишига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Банк Ахборот хизмати.

КЕЧИНМА

Ватан туйғуси. Ватанга муҳаббат. Ватанпарварлик. Юртни севиш. Халқи учун жон фидо этиш...

ЮРАКНИНГ ПИНҲОН ХОНАСИ

ёхуд Ватан кимўзарга севилмайди!

Эътибор беряпсизми, бугун бу жумлалар тез-тез қулоққа чалиняпти. Чалинса ҳам майли эди, баҳайбат қўнғироқли соат сингари барча соҳаларда "бонг уряпти". Ёзувчи-шоирлар, оммавий ахборот воситалари, амалдорларни қўя туринг, энди ўсиб келаётган ёш авлод онгига ҳам баъзи ҳолларда сохта мадҳиябозлик сингдирилмоқда. Мактабда устозим бир гапни кўп қайтарарди: "Ватан учун жон фидо этманг, шунчаки Ватан учун яшанг. Ватан учун яшаган инсон юрт ва халқи учун жон беришга тайёр туради..."

Ватан ҳақида Шавкат Раҳмон шундай сатрлар битган:

Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига яширган юрак.
Сенга етиб бормоқлик учун
Узун умрим етмаса керак.

Кўряпсизки, оддий сўзлар. Лекин ҳар бир сўз, ҳарфда оғир юк, дахлдорлик ҳисси мужассам. Бу туйғу баъзи "Зулфиячи" қизлар, қаерда нима дейиш ва қайси даврада ўзини қандай тутишни қойиллатадиган айрим "фаол ёшлар"нинг ватанпарварлиги каби эмас. Бу шеър чин кўнгилдан, иддао ва таъмасиз ёзилган. Юракдан чиққан асар юракларга етиб боради...



Яқинда ижтимоий тармоққа "Адиблар хиёбони"даги Зулфияхоним, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф ҳайкалларининг айни кундаги аҳволи видеолавҳаси жойланди. Шоира Зулфия ҳақидаги постда шундай дейилган:

"Зулфияхоним ўз сурати акс этган, олтин суви югуртирилган медалларни кўксига таққан, башанг кийинган "қизлари"нинг йўлига қараётгандек: "Қайси қизим келаркану, гулларимга сув қуяркан, ён-атрофимни супуриб, чанг-ғуборимни тозаларкан".

Сатрларни ўқирканман, "Зулфия" мукофоти совриндорларининг жўшиб гапириши ёдимга тушади:

— Биз мукофотни кўксимизгамас, юрагимизга тақамиз, у чап томонимизда ураётган юракни халқ учун, юрт учун хизмат қилишга ундайди. Ватан учун яшашга даъват этади. Албатта, ўзимга билдирилган ишончни оқлаб, Зулфия онам сингари шоира бўлишга ваъда бераман...

Шуларни ўйлаб, таъсирланиб юрган кезларим эди. Катта бир байрам арафасида туман фаол ёшларини марказга чақиришди. Борсам, катта хонада 20 нафарга яқин йигит-қиз. Семиз ва гавдали одам тадбирда туман ёшлари номидан қайси мавзуда "нутқ сўзлашимиз"ни тушунтиряпти:

— Болалар, кеча йиғилишда ҳоким бува бизга сохта қарсакбозлар эмас, ҳақиқий ватанпарварлар керак, дедилар. Шундай гапирингки, ҳар сўзингиздан юраклар жунбушга келсин, нутқингиздан кўзланган мақсад йиғилганларни руҳлантиришдир...

Ўйлайман, нега биз сохталикдан ҳалигача воз кеча олмадик, жамиятнинг турли жабҳаларида қаллоблик, кўзбўямачилик бўлгани етмагандек, энди энг олий туйғуга ҳам "кўз олайтириб", йиғилганлар кўзини шамғалат қиляпмиз? Тўғри, бу ёшлар фаолдир, борингки, қобилиятлидир, лекин бундай йўл билан обрў излаш, мукофотга даъво қилиш қанчалар тўғри?! Бугун нега китобни "Spark" олиш учун ўқишимиз керак? Гўё Ватанни маълум иддао билан, эвазига нимадир кутиб "севяпмиз"?

— Сиз ҳоким бувaнинг қилган эзгу ишлари, самарали фаолияти ҳақида чиройли шеър ёзинг. Уларга ёқса, кўнглидан жой олсангиз, "Spark" бор.

— Пиёда юрганим яхши!

Ватан — инсон юрагининг яширин хоналаридаги пинҳон туйғудир. Уни ҳамма ҳам топа олмайди. Унгача етиб боролмайди. Ватан нелигини англаганлар эса у ҳақда ҳадеб гапиравермайди, ёзавермайди. Инсон яхши кўрган нарсасини кўнглининг энг чуқур ерида асрайди. Аслида Ватанга муҳаббат ота-онага бўлган муҳаббатга менгзалади. Ахир ота-онангизга ҳар куни муҳаббат изҳор қилмайсиз-ку! Инсон гўзал бу туйғуни ҳаммага жар солишга қизғанади, ҳар жойда айтавермайди. Чунки сохта муҳаббату қарсакбозлик Ватанимизга керак эмас!

Абдулазиз АҲМЕДОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАФАККУР

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

Аҳмад ЮГНАКИЙ.

* * *

Кўп демак сўзга магрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлиқ.

Алишер НАВОИЙ.

* * *

Орифнинг сукути фойдалироқ бўлгай ва сўзи севиклироқ бўлгай.

Абу Бакр Варроқ ТЕРМИЗИЙ.

* * *

Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёндир.
Лозим сизга билув ҳар тилни она тилдек,
Билмакка они ғайрат этинг, фойдаси кондур.

Аваз ЎТАР.

* * *

Биров гапни ёғлаб гапиради, биров тиканак боғлаб гапиради, ...одам гапни қай тарзда гапирганига эмас, нима деганига қаралса, дуруст бўлар...

* * *

Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади.

Абдулла ҚАҲҲОР.

КУЗАТУВ

Ҳаво совуқ, бунинг устига "Олой" бозори қаршисидаги бекатда одам гавжум. Автобуслар ҳам серқатнов салонидаги йўловчилар "тўкилиб" улгурмасидан бекатдагилар ўзларини ичкарига уришади.

Бекатдан Бекатгача...

Соат 18[30] лар эди, кимдир ишдан, кимдир ўқишдан қайтадиган пайт. "Чорсу", "Максим Горький", "Қўйлиқ"қа кетамиз, деб йўловчи чақираётган кондукторнинг баланд овози, худди бозордаги сотувчиларнинг "кеп қолинг, қайноғидан бор", дея харидор чақиришига ўхшайди. Бозор билан жамоат транспортининг фарқи қолмаяпти ўзи.

Ана узоқдан 93-йўналишдаги автобус кўринди. "Эй, нари тур, чиқдингми, энди ўртага сурил" деган гаплар билан бир амаллаб автобусга чиқиб олдим. Кўриб кўзинг қувнайди, салондаги ёшу қарининг қулоғида сим қулоқчин, қўлида алламбало телефон, бири бошини сарак-сарак қилса, бири бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб мириқиб кетаяпти. Биламан бари ғарб мусиқасини тинглаяпти. Лекин бу уларнинг ихтиёри.

Бундай тирбандликда мусиқа тинглашдан бошқа яна нима иш қилиш мумкин, демоқчи эдим... Йўқ бўларкан. Ана орқа тарафда, кўринишидан талабага ўхшайди, сипо кийинган қиз китоб ўқияпти. "Одам зўрға сиғаётган жойда китобга бало борми, йиғиштир китоб-питобингни, уйингда ўқийсан", жеркиб берди тиқилинчда зўрға нафас олаётган амаки. "Иложини топса, автобуснинг томига ҳам одам чиқазади булар", деб тўнғиллади бошқа йўловчи.

Ҳамроҳларим гапини эшитиб бораётувдим, ҳайдовчига қараб: "Автобусга йўловчи сиғими қанча ўзи, йўналишлар бўйича тақсимланган автобуслар графикка тўлиқ амал қиладими?! Қачонгача одамлар йўлларидаги вақтини узоқ кутиш ва асабийлашишга сарфлайди?!" — демоқчи эдим, хаёлимни кондукторнинг: "Тушадиганлар йўл ҳақини тайёрласин", деган ундови чалғитди.

Ойлик йўл чиптаси борларга мазза, амаллаб эшик олдига етиб олса, марра уларники. Қолганлар йўл ҳақини бериш ва қайтимини олиш учун навбат кутиши керак. Кутганингга яраша қайтимини тўлиқ берса майли, аммо 2000 сўм пул узатганларнинг аксарияти қайтимига 500 сўмни олиб, жимгина тушиб қолаверади.

Ўзбекмиз-да, индамай ўрганганмиз! Меним-ча йўл ҳақи 1400 сўм эди. Қизиқ, бундай "индамасликлар" эвазига минглаб йўловчилардан ҳар куни йиғиладиган 100 сўмликлар бир кунда қанча бўлар экан-а?!

Жамоат транспортида йўлкира ҳақини тўлаш тизимининг янгича усулларини амалда қўллаш вақти етмадимикан, сиз нима деб ўйлайсиз, ҳурматли йўловчи?

Ширинай АЗАДОВА,
ЎзЖОКУ талабаси.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ҳаётда баъзан етти ухлаб тушингга кирмайдиган ғалати ҳодисалар ҳам учраб турар экан. Бўлмаса... одам одамга ўлим тилашини қандай тушуниш мумкин? Аслида бу воқеа шундай бўлган эди.

ЎЛИМ ДУОСИНИ КИМ ДАФ ҚИЛА ОЛАДИ?

— Ҳа, ишонаверинг сизга ва оила аъзоларингизга ўлим дуоси ёғилган, — деди Хива туман Соёт қишлоғи Оқ кўл МФЙда яшовчи уйга кириб келган опа-сингил Г. ва З.Абдуллаева *(исм-шарифи ўзгартирилган)*лар. Бундан хонадон соҳибасининг эсхонаси чиқиб кетди.

— Вой ўлмасам, энди нима бўлади?

— Ҳеч нарса бўлмайди, биз бунинг чорасини топамиз.

Улар эс-ҳушидан айрилаёзган аёлнинг сотилиш баҳоси 2.700.000 сўм "кардинал" тилла занжири, бир жуфт сотилиш баҳоси 1.620.000 сўмлик "жемчуг" тилла зираклари, сотилиш баҳоси 1.080.000 сўмлик тилла узуги, сотилиш баҳоси 13.000 сўмлик "Янтарь" кунгабоқар мойи, сотилиш баҳоси 25.000 сўмлик "Clear" шампуни ва сотилиш баҳоси 3000 сўмлик кир ювиш совунини қўлга киритишиб, унинг жами 5.441.000 сўмлик мол-мулкини фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришади.

Опа-сингиллар тилла тақинчоқларни олиб, рўмолга ўраганини, ўлим дуосини очиш учун дуо қилишганини айтиб, рўмолни уйнинг ётоқхонасидаги шкаф устига ташлайдилар. Рўмолга ўралган тақинчоқларни уч кунгача очмасликни, етти кун бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликни тайинлашади. Аёллар уйдан чиқиб кетганидан кейин жабрланувчи рўмолни очиб қараса, ичидан қотган нон бўлаги чиққан холос. Бу ҳақда дарҳол ИИБга мурожаат қилади...

Суд томонидан жиноят ишидаги мавжуд далиллар ва гувоҳлар кўрсатмалари ҳар тарафлама, синчиклаб текширилиб, судланувчиларнинг аёллиги, оилавий аҳволи, етказилган зарарлар қоплангани инобатга олиниб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан айблов ҳукми чиқарилди.

Хонадон эгаси кейин билса, бу опа-сингиллар баклашка йиғувчи ниқобидаги фирибгарларнинг ўзгинаси экан. Аттанг, одам шу даражада ишонувчан, лақма бўладими, ахир?!

Бировларнинг мол-мулкини "туя" қиладиган бундай фирибгарларнинг тузоғига илинманг, азизлар.

М.ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Хива туман суди раиси.
Шержон МАШАРИПОВ,
"Хива тонги" газетаси бош муҳаррири.

ҲА-ЗИЛ

Эс(и)кирмас хабарлар

Талабалар ҳаётида ижара уйи билан боғлиқ муаммолар роса кўпайгани сабабли ҳар бир Олий таълим муассасасига ижарага янги қурилаётган кўп қаватли уйлардан бериш вазифаси юклатилди. Энди талабалар турар-жойига сиғмаган билимли ва иқтидорли, қолаверса, оилавий шароити оғир ўғил-қизлар ўқув йили охиригача тўлиғича турар-жой билан таъминланадиган бўлди.

* * *

Қуйидаги хабар эса "Тошшаҳарйўловчитранс"дан янгилик!

Талабаларнинг автобусга сиғмай қолиши муаммосига ҳам ечим топилди. Энди барча йўналишдаги автобуслар қўшимча яна 10-15 кишига мўлжалланган арава билан ҳаракатланади. Бу хайрли ишдан кўзланган мақсад йўловчиларга қулайлик яратишдан иборат.

* * *

Ўзбек тилининг обрўсини янада ошириш ва дунё ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Энди она тилимизда гапирмайдиган амалдорлар "вопшим" давлат ишида ишламас эмиш.

Алдар КЎСА.

O'zingni anglat! Hurriyat Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 5081
Буюртма — Г-365

1 2 3 4 5 6

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Топшириш вақти — 21[00]
Топширилди — 23[55]

ISSN 2181-0680

Телефонлар: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Р.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.